ЎзССР Давлат матбуот қўмитаси
31 июл 1992

Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 29 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

№ 64 (5660).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

КОМИССИЯ ЮБИЛЕЙГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

27 июль куни Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини байрам қилишга тайёргарлик кўрувчи республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Йиғилишни комиссия раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Шавкат Йўлдошев бошқарди.

Комиссия аъзолари масъул ўртоқларнинг байрамга тайёргарлик қандай бораётгани ҳақида ахборотини тингладилар. Байрам тантаналари режасига айрим янги ўзгартишлар киритилди. Йиғилишга таклиф этилган вилоят ҳокимлари ўз музофотларида байрамни нишонлаш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳақида сўзлаб бердилар.

Йиғилишда комиссиянинг матбуот гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда нутқ сўзлаб, Мустақиллик куни одатдаги байрам тантанаси эмас, балки халқимиз тарихида биринчи бор ўтказилаётган муҳим тарихий сана эканини алоҳида таъкидлади.

(ЎзА).

Ўзбекистон—Туркия

АМАЛИЙ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон Республикасининг жаҳондаги кўпгина ривожланган мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Буни Ўзбекистон билан Туркия иқтисодий ва маданий муносабатларида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳар иккала мамлакат ўртасида, барча соҳаларда бўлганидек, маориф соҳасида ҳам тузилган Шартномалар ва Битимлар асосида аниқ режалар ва ишларни амалга оширишга дадил киришилди. Туркия Миллий маориф вазирлиги делегацияларининг Ўзбекистонда бир неча бор бўлиши, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги делегацияларининг Туркия республикасида бўлиши, ҳар икки мамлакатнинг мактаб, олий ўқув юртлари тизимлари билан чуқур танишув, кадрлар тайёрлаш ва умуман таълим тизимини ривожлантиришда ўзаро кўмаклашиш юзасидан аҳдлашувлар маорифчилар амалий ишларининг кенгайишига йўл очди.

Туркия Ташқи ишлар вазирлиги масъул ходими Билол Шимшир бошлиқ делегациянинг Ўзбекистонга навбатдаги ташрифидан мақсад ҳам кадрлар тайёрлашда ўқув юртларираро алоқаларни янада мустаҳкамлаш, яқин вақт ичида амалга ошириладиган ҳамкорлик режаларини аниқ келишиб олиш, шу билан бирга Мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқ таълимидаги янгиликлар, олий ва ўрта махсус таълим тизимининг кадрлар тайёрлаш бўйича йўналишлари билан танишиш ҳамда ўзаро янги битишувларга эришишдир.

Туркия маорифчилари делегацияси ўз ташрифининг иккинчи куниёқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида қабул қилинди. Республика халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев қабул маросимида туркиялик меҳмонларга Ўзбекистон халқ таълимини мустақиллик талаблари нуқтаи-назаридан ривожлантириш бугунги куннинг бош вазифаси эканлигини таъкидлади. Бунда, айниқса, яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессияси қабул қилган «Таълим ҳақида»ги қонун муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда, — деди вазир, — Ўзбекистонда миллий мактабни вужудга келтириш сари дадил одим қўйилди. Шу йилдан бошлабоқ мактаблар хилма-хил дастурлар асосида ўқув ишларини ташкил этадилар. Ўқувчиларнинг истак-хоҳишлари бўйича ихтисослашган мактаблар, синфлар ташкил топади.

Ж. Ғ. Йўлдошев Туркия — Ўзбекистон маорифчиларининг амалий алоқаларига тўхталиб, бу соҳадаги бир қатор ишларни, шу жумладан Тошкентдаги Ўқитувчилар уйида Туркия миллий маорифи тажрибалари кўргазмаси, педагогик ходимлар малакасини ошириш Марказий институтида турк тили мутахассислари тайёрлов курслари, туркиялик вакил Махмутбей Четинқоя кўмагида Ўзбекистоннинг 6 та шаҳрида махсус лицейлар ташкил этилганини қайд қилиб ўтди.

Туркия маорифчилар делегациясининг бошлиғи Билол Шимшир ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар, шу жумладан кадрлар тайёрлашда кўмаклашув мустақил Ўзбекистон учун ҳам истиқлол йўлида муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади. У Туркияда ихтисослар бўйича кадрлар тайёрлаш мактаб-маорифга ҳукуматнинг катта эътибор қаратишидан бошланганлигини, бу соҳада жаҳон мамлакатларидаги тажрибаларга таянган ҳолда Туркия ўзининг миллий мактабини ривожлантирганлигини айтиб берди.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Туркия маорифчилари делегациялари ўртасида ўқувчилар, ўқитувчилар алмашиш, илғор тажрибалар юзасидан ахборотлар бериб туриш, Ўзбекистон учун Туркия ўқув юртларида, университетларида зарур ихтисослар бўйича кадрлар тайёрлаб бериш каби бир қатор масалалар юзасидан музокаралар бўлиб ўтди. Аҳдлашув махсус ҳужжатда расмийлаштирилди.

Қабул маросимида ва музокараларда Туркия томонидан делегация аъзолари — Анқара университети профессори Ҳамза Зулфиқор, шу университет доценти Само Борутчу, Ўзбекистон томонидан халқ таълими вазирининг ўринбосарлари И. С. Саиджонов, Ҳ. Ф. Маъсудов, вазирликнинг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Б. Шимшир бошлиқ туркиялик меҳмонлар шу куни Тошкентдаги Ўқитувчилар уйида, Республика Ўқувчилар саройида бўлдилар. Шунингдек, туркиялик маорифчилар Тошкент давлат университетида ҳам бўлиб мутахассис кадрлар тайёрлаш, ўқитувчилар ва талабалар алмашиш масалалари бўйича аниқ тадбирларни келишиб олдилар.

Ҳа, Туркия — Ўзбекистон маорифчилари ўртасидаги кенг қамровли алоқалар эндиликда амалий ишларда яққол намоён бўлаяпти.

М. РАҲМОНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

«ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА» ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ АМАЛДА

ИСТИҚЛОЛГА ЙЎЛЛОВЧИ ҲУЖЖАТ

Республикамизда Таълим тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши барча маорифчилар томонидан кўтаринки руҳда кутиб олинди. Мазкур ҳужжат рўзномамизда эълон қилинган кундан эътиборан таҳририятимизга қўнғироқлар бўлиб, баъзан муштарийларнинг ўзлари ташриф буюриб, фикрларини баён этмоқдалар, хатлар ҳам кела бошлади. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Б. БУРОНОВ, Навоий вилояти Нурота ноҳиясидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси:

— Мен эндигина педагогик иш фаолиятини бошлаган ёш ўқитувчиман. Барча оғир синовлар ҳали олдинда. Бундай даврда биз фақат меҳнат ҳақида бош қотирмоғимиз даркор. Аммо мен, кўпинча, кекса педагогларимиз ҳақида ўйланиб қоламан. Уларнинг кўплари иш жараёнида асаб касаллигига йўлиқиб, қарилик гаштини суролмай оламдан ўтаяпти. Очиғини айтганда, қарилик нафақасига етмай вафот этаётганлари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Айрим пайтларда, наҳотки, менинг тақдирим ҳам шундай кечса, дея юрагим орқага тортиб кетади.

Мен аёл ўқитувчиларнинг 50 ёшдан, эркак ўқитувчиларнинг эса 55 ёшдан пенсияга чиқишларининг тарафдориман. Бу ҳақда матбуотда, айниқса, «Маърифат» рўзномасида кўп марта чиқишлар қилинди. Лекин бундай қатор таклифларнинг натижаси таълим тўғрисидаги қонунда кўринмаяпти. Шу камчиликни ҳисобга олмаганда, қонуннинг қолган жиҳатларига ҳеч қандай монеликсиз қўшилиш мумкин...

ЕТИЛГАН МУАММОЛАР ҲАҚИДА МАКТУБЛАР

ИЗЛАНИШ— ЯНГИЛИК ДЕБОЧАСИ

Кўп вақт ўтмай республикамиз мустақил деб эълон қилинганлигининг бир йиллигини нишонлаймиз. Ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида жаҳон таниди, унинг халқаро нуфузи кун сайин ортиб бормоқда. Айни пайтда мустақиллик гаянчларини вужудга келтириш ҳам энг муҳим вазифалардандир. Мустақиллик истиқболи таянчлари эса кўп жиҳатдан миллий мактаб яратилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки халқимизнинг тарихини, маданиятини, миллий қадриятларини мукаммал билмай туриб, мустақиллик истиқболи тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, таълим мазмунини қайта кўриб чиқиш ва уни миллийлаштириш ҳамда шу миллий таълим мазмуни асосида янги дарсликлар яратиш муаммоси ҳам майдонга чиқади.

Ҳозирги ҳаракатдаги дарсликларнинг аксарияти рус ўқувчилари учун чоп этилган дарсликлардан тўғридан-тўғри ўзбек тилига таржима қилинган. Ўзбекистонда тузилган дарсликлар эса «марказ» таълим мазмуни асосида ёзилганлиги сир эмас. Шунинг учун ҳам бу соҳадаги муаммони ҳал этишнинг ягона йўли миллий таълим мазмуни негизида ўзбек ўқувчисига «ўз миллий руҳи»ни сингдиришдир. Аниқроқ қилиб айтганда, дарсликларда ўзбек халқининг тарихи, маданияти, тили, миллий анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари ўз ўрнини топиши зарур.

Янги дарсликларда қатағон йилларнинг қурбони бўлган Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир каби етук адибларнинг ижодига, ўтмишдаги ва ҳозирги ўзбек математик, физик, химик, астроном олимларнинг ҳаёти ва ижодига кенг ўрин берилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз. Чунки ўтмишни билмай туриб, келажак сари интилиб бўлмайди. Ҳаттоки, дарсликларда бериладиган безакларда, расмларда, турли ўйинларда, ашулаларда, жисмоний ҳаракатларда миллийлик акс этиши лозим. Бунинг учун қуйидаги масалалар ҳал этилиши шарт:

1) дарсликларда бериладиган узундан-узоқ ўқув қоидаларига чек қўйиб, уларни қоида-кўрсатма ёки кўрсатма-ҳаракат тарзда бериш;

2) баён этилаётган ўқув материалининг ахборот ва амалий томонларини тўғри белгилаш;

3) дарс жараёнида бажариладиган ўқув ҳаракатларида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг ўзаро муносабатини аниқлаш;

4) дарсликларда бериладиган машқларнинг ўзаро муносабатини ёритиб бериш;

5) шакллантириладиган малака ва кўникмаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.

Миллий таълим мазмуни билан боғлиқ бўлган яна бир муаммо мавжуд, у ҳам бўлса миллий мактабларни жиҳозлашдир. Мактабларнинг жиҳозланишини миллийлаштиришда мактаб ҳовлисига, мактаб залларига, синф хоналарига қўйиладиган таълим-тарбияга оид ҳикматлар, ўзбек халқ мақоллари, касб-ҳунарга оид сўзлар ўзбек классик адабиётимизнинг нодир дурдоналаридан олинган бўлса, айни мақсадга мувофиқ бўлади. Айниқса, бу борада биз эндиликда ўтмиш донишмандларининг ҳикматларидан, ҳадислардан фойдаланиш имкониятига эгамиз.

Мактабларнинг жиҳозланишини миллийлаштириш борасида, бошқа айрим жойларда бўлганидек, районимизда ҳам маълум тажрибалар тўпланди. Районимизнинг 1, 9, 12, 22, 25, 28, 38-мактабларида сезиларли ижобий ишлар амалга оширилдики, бу тажрибаларни ўрганиб ва умумлаштириб, райсн халқ таълими бўлими мактабларни жиҳозлаш бўйича тегишли методик маслаҳат гавсияларини ишлаб чиқди.

Ҳозир мактаб биноларининг синф хоналари 40 нафардан ортиқ ўқувчига мўлжалланган. Бу эса, амалий ўқитиш жараёнидаги тажрибалардан маълумки, таълим сифати ва самарадорлигига салбий таъсир этади. Мазкур ҳолатни ҳисобга олиб, қурилажак мактаб бинолари ихчам бўлса, унинг синф хоналари 20-25 нафар ўқувчига мўлжалланса, яхши бўлади, албатта. Бунда, биринчидан, ўқитиш сифати ва самарадорлиги ошади, иккинчидан, бугунги кундаги тақчиллик шароитида қурилиш маблағи тежалади, учинчидан, миллий таълим-мазмунига мос тушади.

Юқоридаги муаммолар ўқитувчилар зиммасига методика, руҳшунослик фанлари билан бир қаторда социология фанини билишни ҳам юклайди. Чунки ўқитувчиларнинг дарс жараёнини социологик жиҳатдан таҳлил эта олишлари уларга қуйидаги масалаларни ҳал этишга:

— дарс жараёнида фаол иштирок этувчи ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларини аниқлашга, яъни ўқитувчи баён этган ўқув материалига ўқувчиларнинг ўз муносабатини билдира олишига;

— дарс жараёнининг методик, руҳий ва социологик томонларини ёритиб бера олишга;

— ўқув мавзусининг ахборот ва амалий томонларини тўғри белгилашга ёрдам беради.

Районимизда социологик таҳлил борасида ижодий изланишлар олиб борилиб, айрим мактабларнинг, жумладан, 5-ўрта мактабнинг социологик жадвали яратилди. Унинг натижалари «Маърифат» рўзномасининг саҳифаларида ҳам ёритилди. Бугунги кунда барча мактабларимизнинг социологик харитасини яратиш устида ижодий изланишлар олиб борилмоқда.

Умуман, янги типдаги ўзбек мактабини вужудга келтириш муаммолари кўп. Уларнинг ҳар бири том маънодаги ижодкорликни талаб этади. Чунки миллий мактабни ижодкор ўқитувчисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боисдан, жойлардаги педагогика кабинетлари қошида «Ижодкор ўқитувчилар» клуби ёки маркази ташкил этиб, шу марказ атрофида ўқитувчилар миллий мактаб, муаммоларини ҳал этишга йўналтирилса, мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Бурхонжон ДЕҲҚОНОВ,
Фарғона вилояти Данғара райони халқ таълими бўлимининг мудири.
Ҳакимжон РАСУЛОВ,
шу райондаги 5-мактаб ўқитувчиси.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ТАРАДДУДИ

ЎҒИЛ БОЛАЛАР ЛИЦЕЙИ

Маълумки, бу йил жумҳуриятимиздаги мавжуд олий ўқув юртларининг кўпчилигида абитуриентлар тест усулида биринчи марта имтиҳон топширадилар. Аммо гап бунда эмас, натижа қандай бўлишидан қатъи назар мактабларга ҳам ана шу усулнинг кириб келаётганлиги диққатга сазовордир.

Куни кеча Тошкент шаҳридаги 50-мактаб-гимназияда пойтахтнинг деярли барча мактабларидан 800 нафарга яқин ўқувчи тест синови асосида имтиҳон топширди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу синовдан энг юқори балл тўплаган 100 нафар ўқувчи эркаклар лицейига қабул қилинади. Янги усулдаги лицейнинг диққатга молик томони шундаки, ўқувчилар бу ерда ўзбек ўқитувчилари қаторида, малакали турк мутахассисларидан ҳам сабоқ олишади. Лицей талабалари учун дарслар умумий мактаблардаги сингари 1 сентябрдан бошланиб, турк инглиз тиллари, физика, биология, кимё каби фанларни туркиядан келган педагоглар, ўзбек тили ва адабиёти, мусиқа, расм, жисмоний тарбия сингари дарсларни эса ўзбек мутахассисларидан кенг ўрганадилар.

Қабул қилиш тартиби ҳам худди юқоридаги тартибда — тест усулида бўлиб, имтиҳон топшириш йўли билан 5- ва 8-синфни битирганлар ўқишга олинади. 5-синфни битирганлар етти йил ўқийди, 8-синфни битирганлар эса тўрт йил таҳсил кўрадилар. Эркаклар лицейига қабул қилинганлар бир йил инглиз ва турк тилларини ўрганишади.

Мазкур маскан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда Туркия маорифчилари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Тестга киритилган барча саволлар ҳам ана шу муассасаларнинг ҳамкорлигида тайёрланган.

Таъкидлаб ўтиш керакки, лицей учун туркия томонидан бир миллион беш юз минг доллар маблағ ажратилган.

Хуллас, жумҳуриятимизда ҳам, айниқса, халқ таълими тизимида янгиланиш шарофати билан шу соҳани юксалтириш, уни ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқиш учун кўпдан-кўп амалий ишлар қилинмоқда. Юқорида қайд этилган ўғил болалар лицейи ҳам эзгуликдан далолатдир. Бу эзгуликнинг келажаги, натижаси эса ҳали узоқ-узоқлардан садо беради...

Суратларда: лицейга қабул қилишдан лавҳалар.

МУҲАММАД АМИН
тасвирга олган.

ЮБИЛЕЙГА ҲОЗИРЛИК

Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинганлигининг бир йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилаётган айни кунларда жумҳуриятимизнинг минг-мингдаб меҳнаткашлари элнинг содиқ фарзанди, кўзга кўринган давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллик юбилейини ҳам ўтказишга киришди. Бу ҳақдаги Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорини Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқув-методика маркази жамоаси ҳам мамнуният билан кутиб олди. Чунки Шароф Рашидов республикамизга раҳбарлик қилган йилларда маданият, фан, халқ таълими тизимининг шаклланишига, ривожланишига беқиёс хизмати сингган арбоблардандир. Ана шуни ҳисобга олиб, юбилей санасига бағишланган тадбирларни ўтказувчи ташкилий қўмита тузилди ҳамда бир қатор аниқ тадбирлар белгиланиб, уларни амалга ошириш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Белгиланган тадбирларни ўтказишдан мақсад, ташкилий қўмитанинг биринчи йиғилишида таъкидланганидек, Ш. Рашидов фаолиятини холисона баҳолаш, унинг халққа ва адолатга бўлган садоқатини тарғиб этиш, кўп миллионли ўқитувчилар жамоалари орқали ёш авлодга атоқли жамоат арбоби фаолиятининг бутун қирраларини, бадиий ижод соҳасидаги баракали ижодини талқин этиб етказишдан иборат.

Яқинда бўлиб ўтган Республика ўқув-методика маркази кенгашининг йиғилишида Ш. Р. Рашидов номидаги иккита доимий мукофот таъсис этишга қарор қилинди. Бу мукофот тарих ва ўзбек адабиёти бўйича республика педагогика ўқишларида биринчи ўринни олган мактаб (ҳунар-техника билим юрти) ўқитувчиларига берилади.

Юбилей санасига бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар қўлами кенг ва хилма-хилдир. Аввало, бу ишларни халқ таълими тизимидаги барча ўқув юртлари ва ташкилотларда намунали олиб бориш учун махсус тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, тадбирларда республика Ўқитувчилар уйида «Шароф Рашидов ва Ўзбекистонда халқ таълими» рукни остида кўргазма ташкил қилиш, Ш. Р. Рашидов ижодини кенг ёритишга бағишланган семинар-кенгашлар, унинг давлат ва жамоат арбоби сифатида олиб борган улкан ишларига бағишланган илмий-амалий анжуман, шу билан бир қаторда Тошкент шаҳрида Ш. Р. Рашидов республикага раҳбарлик қилган йилларда халқ таълими тизимида фаолият кўрсатган фахрий ўқитувчиларнинг, бадиий ижод билан шуғулланган мутасадди кишиларнинг йиғилишларини ўтказиш кўзда тутилади.

Республика ўқув-методика маркази ходимлари шу кеча-кундузда Ш. Р. Рашидов ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги материалларни умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника ўқув юртлари, педагогика билим юртлари ҳамда институтлари учун яратилаётган дарсликларга киритиш ишларини олиб бормоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Ш. Р. Рашидовнинг таваллудига бағишланган тадбирларни изчиллик билан амалга оширишга киришилди. Ўйлаймизки, мазкур санага бағишланган режалар халқ таълими тизимида муваффақиятли ўтиб, таълим-тарбия ишига ўз ижобий таъсирини кўрсатади, ёш авлод ҳам, Шароф Рашидов эл ардоғига сазовор бўлган халқимизнинг чинакам фарзанди эканлигини англаб етади.

Э. ГАЛИКЕЕВ,
юбилей тадбирларини ўтказиш бўйича Республика ўқув-методика маркази ташкилий қўмитасининг раиси.

ФАХРЛАНСАК АРЗИЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши ўнинчи сессиясида «Таълим тўғрисида»ги қонун тасдиқланди. Бу мустақил республикамиз маданий ҳаётида катта воқеа эканлиги билан эътиборга лойиқдир.

Жамиятимиз тараққиёти мактаб ва илм-фан билан бевосита боғлиқдир. Биз, ўқитувчилар ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялаш учун хизмат қиладиган, таълимнинг барча тизимларини ўз ичига олган, инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган қонунимиз борлиги билан фахрланса арзийди.

Таълим тўғрисидаги қонунда халқ таълими муассасалари учун катта имтиёзлар ўз ифодасини топган. Бу имтиёзлар, шубҳасиз, мустақил Республикамиз истиқболи учун хизмат қилади. Ўз навбатида биз, ўқитувчилар ёшларга чуқур билим ва яхши тарбия бериб, унинг ҳаётийлигини исботлаймиз.

А. ҲАЙДАРОВ,
Тошкент шаҳридаги 229-мактабнинг методист-ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ ОЛДИДАН

ИБРАТЛИ ИШЛАР

Каттақўрғон шаҳрида ободонлаштириш ишлари авжида. Айниқса, миллий маданиятимизни ривожлантириш учун қилинаётган ибратли ишлар бизни қувонтирмоқда. Бундай ишларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмаяпти.

Шаҳримиздаги барча кўчаларнинг йўллари текисланиб, асфальт ётқизилди. Бу йил бизнинг вилоятимиз ва шаҳримизда халқ таълимини ривожлантириш чора-тадбирларини тузишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шаҳримиздаги барча мактабларнинг шарт-шароитлари, ички ва ташқи жиҳозлари ва кўринишлари шаҳар ҳокимияти томонидан назорат қилиниб, уларни мумкин қадар яхшилаш чора-тадбирлари кўзда тутилгандир. Бу ишлар эса ҳар йилгига қараганда жуда яхши амалга оширилмоқда.

Мавжуд ўн олтита мактабнинг барчаси янги ўқув йилига шайлаб қўйилди. Юқорида айтилган тараддудлар болалар боғчаларида ҳам амалга оширилмоқда. Эндиликда шаҳримиздаги янги 17-мактабни ишга тушириш чора-тадбирлари кўзланмоқда. Халқимиз фарзандларини кенг, ёруғ, чиройли, барча шарт-шароитлари мавжуд бўлган мактабларда ўқиши ва боғчаларда тарбияланиши учун қилинаётган ишлардан мамнундирлар.

М. ҲАМДАМОВА,
Каттақўрғон шаҳридаги 16-мактаб ўқитувчиси.

УЛАР АМЕРИКАГА БОРИШАДИ

Америкадаги Филодельфия шаҳри астрология билимининг йирик илмий марказларидан бири сифатида бутун дунё бўйича эътироф қилинган.

Гап шундаки, яқинда Тошкентда астрология билан бевосита шуғулланадиган республика маркази тузилди. Унинг ҳузурида болалар астрология мактабининг ташкил топиши нур устига аъло нур бўлди.

Мактабда тиббиёт астрологияси, астро-иқтисодиёти, руҳий астрология, педагогик астрология бўйича сабоқлар бериш кўзда тутилди.

Мазкур даргоҳда икки йиллик машғулотни ўтаган ёш истеъдодлар Филадельфия шаҳрида махсус амалий кўникма ҳосил қилиб қайтадилар. Шу ҳақда марказ билан америкалик астрологлар ўртасида ўзаро шартнома тузилди.

А. АЛИЕВ.

Фанимиз фидойилари

ДИЛ ИЗҲОРИ

Бозор иқтисодиёти шароитида собиқ СССРнинг бошқа давлатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам нарх-наво пойгасидан бутун вужуди зирқираётган бир пайтда айрим илмий педагогик жамоалар, институт ва университетлар раҳбару олимлари орасида «Маърифат» рўзномаси ижодий жамоаси тақдири ҳақида қайғурадиган олиҳиммат кишилар борлигидан кўнглинг қувончга тўлади. Уларга қайта-қайта ташаккур билдиргинг келади.

Ғафур Ғулом номли Гулистон давлат университетида бўлганимда яна бир бор шу фикрнинг гувоҳи бўлдим, десам муболаға бўлмас. Қоғоз баҳосининг кўтарилиши газета чиқариш ва ижодий жамоани моддий жиҳатдан танг ҳолга келтирди. Жумладан, 1992 йил учун обунага ёзилган муштарийларни ҳам. Шунга кўра, ижодий жамоамиз 1992 йилнинг иккинчи ярми учун қўшимча обуна бўлиш мақсадида муштарийларга мурожаат қилган эди. Жойларда маърифатхонлар дарҳол бу чақириққа лаббай, деб жавоб беришди ва беришмоқда.

«Маърифат»га обуна қилишда педагогу олимлар жамоасида ташкилотчи, ташаббускор кишилар фаоллик билан иш юритишди. Мазкур университетда бундай кишилар кўп экан. Ана шулардан бири, дорилфунун лаборатория мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент, рўзномамизнинг бу ердаги ишончли вакили, олим-журналист Ҳабибулло Абдукаримовдан жуда ҳурсандмиз.

У ўзининг асосий ишидан ташқари рўзномамизни маблағ билан таъминлаш ишига университет олим ва талабалари ҳамда баъзи ноҳиялардаги муштарийларни жалб қилишда бизга яқиндан катта ёрдам берди. Унинг ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги билан Гулистон шаҳри ва Гулистон ноҳиясида 2 ярим минг киши обуна қилинди, бу унинг жамоамизга кўрсатган катта ёрдами ва ҳиммати дир.

Университет ректор ўринбосари Вадим Васильевич Дубков билан бўлган мулоқотда у ана шу далилни фахр билан тилга олди. Бу «Маърифат» рўзномаси ижодий жамоасига билдирилган ишонч эмасми, ахир?

Биз суҳбат жараёнида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик шартлари ҳамда тузиладиган шартноманинг мақсад ва вазифалари хусусида мулоҳаза юритар эдик, ректор муовини гап орасида «Комил Эшчонович имкониятдан келиб чиқиб шартномага рози бўлар», деган фикрни айтади-да, «у 50 ёшга тўлди. Жумҳуриятимизда катта олим сифатида унинг ҳам ўз улушлари йўқ эмас» деб қўйди. Айни муддао. У ҳақида қисқа бўлса ҳам имкониятдан келиб чиқиб мақола тайёрлашни лозим топдик.

50 ёш! Бу айтишга осон. Ана шу даврда Комилжон ака фанда қўриқлар очди, унда ғоялар тизимини яратди. Бугунги кунда ўша тизимлар тарихчи олимлар ва талабалар онгига нур бўлиб ўрнашиб қолди. У ўзининг илмий-педагогик фаолиятида ассистентдан профессоргача, тарих фанлари докторлигидан Сирдарё давлат педагогика институти Республика ўқув-илмий методика комплекснинг бош директори ва Ғафур Ғулом номидаги Гулистон давлат университетининг ректори даражасигача кўтарилди. Фан сўқмоқлари ортида нур бор, деб халқимиз бекорга айтмаган.

Комилжон ака меҳнат фаолиятини 1963 йили мактабда тарих ўқитувчилигидан бошлади. Шовотлик бу интилувчи йигит Хоразм давлат педагогика институтида масъул вазифаларда ишлади. Йирик илмий ишлари учун 1977 йили Ўзбекистон Ленин комсомоли лауреати бўлди.

Комилжон Эшчонов илмий — педагогик фаолиятида бир қатор мақолалар, дарсликлар ва қўлланмалар яратди. Улар долзарб муаммоларга бағишланганлиги билан диққатга сазовордир. У бир неча шогирдлар, фан номзодлари ва докторлари етиштирди. У 1989 йилдан эътиборан Сирдарё ўқув педагогика тажриба-комплексини изга солди. Ўтган 8 йил давомида институтда ўқув-тарбиявий ишлар жараёни юқори поғонага кўтарилди. Институтнинг ўқув-моддий базаси, талабалар маданий ҳаёти ҳар томонлама мустаҳкамланди.

Яқиндан бошлаб мазкур институт давлат дорилфунунига айлантирилди. Эндиликда университетнинг янги факультет ва кафедралари иш бошлайди. Янги-янги мутахассисликлар тайёрланади. Бу ишларни йўлга қўйишда Комил Эшчонов бош-қош.

У изланувчан олим, кўп қиррали фаол жамоатчи ҳам. К. Эшчонов Сирдарё вилояти халқ маорифи, маданият, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот бўлимларининг ташкилотчи раиси сифатида ҳам эл оғзига тушган.

Университет илмий-педгогик жамоаси, шогирдлари Комилжон Эшчонов таваллудининг 50 йиллигини қизғин муборакбод этмоқда. «Маърифат» рўзномаси ижодий жамоаси ҳам улар билан ҳамкорлик шартномаси асосида иш юритар экан, олимга, унинг оила аъзоларига энг яхши тилакларини изҳор этади.

Ашур Али АҲМАД ўғли.



ТАНИШИНГ: ЯНГИ МУХБИР

Қорақалпоғистон Республикасининг йирик шаҳарларидан бири — Хўжайлига кунчиқар томондан, катта асфальт йўлдан кириб борсангиз, чап томонда қад кўтарган муҳташам бинога кўзингиз тушади. Бино олдида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг салобатли бюсти кўзга ташланиб турибди. Бу бинога — Ҳамза номли 1-болалар уйига ташриф буюрганимизда баҳорнинг тароватли, ҳузурбахш кунларидан бири эди. Бюст пойдеворига битилган «Инқилобчи — шоир, драматург, маърифатчи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Хўжайли болалар уйида 1922 йил августидан 1924 йилнинг июлигача ишлаган» деган ёзувлар битилган.

Болалар уйи биноси остонасидан ичкари кирсангиз, Ҳамза портретига кўзингиз тушади. Фойенинг ўнг томонида эса бир сурат бор — Ҳамзанинг тарбияланувчилар даврасидаги манзара тасвирланган, шоирнинг қўлида белкурак, бир боланинг қўлида китоб... Ҳа, мазкур тарбия даргоҳи 70 йиллик тарихга эгадир.

Ҳамза 1922 йилнинг августидан бошлаб Хўжайли болалар интернатида даставвал тарбиячи, кейин директор бўлиб ишлаган.

Ҳамза болалар уйининг фаолиятини жонлантириш учун ўзининг қуролдош дўсти Ҳайрулла Башировни Қўқондан ишга таклиф қилади. Х. Баширов ҳаммом ва новвойхона қуриш ишларига бош бўлди, хўжалик ишлари бўйича директор муовини бўлиб ишлади. У ўз умри охиригача болалар уйи билан алоқасини узмаган. Вақти-вақти билан бу ерга келиб, дўсти Ҳамза ҳақида ўз таассуротларини болаларга қизиқарли ҳикоя қилишдан зерикмасди.

Талабалик йилларида менинг домламиз Лазиз Қаюмовнинг топшириғига биноан Ҳайрулла Баширов каби Ҳамзанинг сафдошлари билан учрашиб, уларнинг оташин шоир-педагог ҳақидаги эсдаликларини ёзиб олганман. (Ушбу эсдаликлар ҳурматли домламиз Л Қаюмовнинг «Ҳамза» номли китобида келтирилган.) Ҳ. Баширов эсдалигидан парча: «Аввало интернатга одамлар болаларни беришмади. Сўнг биз Ҳамза билан бирга кўча-кўйларда ота-онасиз, етим болаларни топиб келиб, интернатга жойлаштирдик. Мен кўҳна Урганчдан, Нукусдан, Хивадан уч қиз, тўрт ўғилни топиб келиб, интернатга топширдим».

Албатта, ўша оғир йилларда интернатни ташкил қилишнинг ўзи бўлмасди. Бу жуда мураккаб ва қийин иш эди. Ўша таҳликали, нотинч йилларда болалар учун озиқ-овқат маҳсулотлари Хивадан ташиб келтириларди. Йўлда қароқчилар учрарди. Ҳамзанинг ўзи аравада қатнаган кунлари ҳам оз эмас эди. Қалбида ёш авлодга меҳр-муҳаббат олови ёниб турган серғайрат, тадбиркор Ҳамза қийинчиликлардан асло чўчимаган. У аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини яхши йўлга қўяди. Халқнинг мададига таянади. Ҳамза ташкил этган қизиқарли, томошалар эвазига тушган пул етим болалар интернатини ташкил этишга сарфланади. Секинаста ишлар юришиб, Ҳамза бошлаган савоб иш самарасини кўрсата бошлайди. Янги ҳаёт куртакларини авайлаб парвариш қилиш учун маърифатпарварлик ва тарбия ишларини тинмай авж олдириш лозим эди. Йиллар ўтган сайин болалар уйи фаолияти такомиллашиб борди.

Яқинда Ғойиб Ёқубов «Маърифат» рўзномасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича ўз мухбири лавозимига тайинланди.

У Хўжайлидаги мактабларидан бирида тил-адабиёт ўқитувчиси сифатида иш бошлаган. Кейинчалик Нукус давлат педагогика олий илмгоҳида ўқитувчи, республика «Ўқитувчилар газетаси»нинг ўз мухбири ва Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб ишлаган. У бадиий ижод ва таржима билан кўпдан бери шуғулланади. Ғ. Ёқубовнинг «Сирли таёқ», «Қирғоқдаги шамоллар», «Тўртликлар» шеърий тўпламлари «Қорақалпоғистон» нашриётида ўзбек ва қорақалпоқ тилларида босилиб чиққан. Ғ. Ёқубовнинг таржимасида И. Қайипбергеновнинг «Уйқусиз тунлар» қиссаси Тошкентда чоп қилинган. Ғойиб Ёқубов — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Қуйида унинг дастлабки мақоласини муштарийлар эътиборига ҳавола этяпмиз.

Шу давр мобайнида бу мўътабар даргоҳда 2 мингдан зиёд бола тарбияланиб, ҳаётга йўлланма олади. Улар орасида турли касб эгаларини, ўз ҳалол меҳнатлари билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган чинакам инсонларни кўриш мумкин. Қутлимурот Ўрозов — Қорақалпоғистон республикасида етишган биринчи геолог (марҳум), физика-математика фанлари номзоди Умар Бўлешов (марҳум), ёзувчи Қармис Дўсанов (марҳум), Узоқбой Қалниёзов — тарих фанлари номзоди (Нукус), Саодат Арслонова — фан номзоди (Тошкент), Рўзимбек Муродов — Ўзбекистон халқ артисти (Тошкент), Станислав Витоль — Санкт-Петербургдаги «Оргэнергострой» институтининг бош мутахассиси, Султон Холбоев — Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари ва бошқа кўплаб турли касб эгалари шулар жумласидандир.

Болалар уйи ҳақида ҳикоя қилар эканмиз, Амина опа Танташева ҳақида тўхталмаслик мумкин эмас. У мазкур даргоҳга 1941 йилдан то 1985 йилгача узлуксиз директорлик қилиб келди. Салкам ярим аср! Бу айтишгагина осон. Салкам 50 йил мобайнида бир жойда — директорлик лавозимида ишлаган Амина опа Танташева 2 мингдан зиёд етим болаларнинг бошини силади, уларга меҳрибон она бўлди, оқ ювиб, оқ таради. Уларни ҳаётга учирма қилди. Бутун қалб қўрини, юрагининг тўрини, кучқувватини, билим ва тажрибасини болалар тарбиясига бағишлаган Амина опа Танташеванинг кўксини Халқлар дўстлиги ордени, қатор медаллар безади. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвонига сазовор бўлди. Шу кунларда кексалик гаштини сураётган муборак инсон Амина опа болалар уйи билан алоқасини узмаган. Болалар уйи тарихий музейида унга бағишланган махсус бўлим бор.

1985 йилдан бошлаб болалар уйига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Абдулла Аралбоев директорлик қилиб келмоқда. Уни кенг жамоатчилик, маорифчилар серғайрат ва тадбиркор ташкилотчи, моҳир педагог — устоз сифатида яхши билишади. Тадбиркорлигига бир мисол: Хўжайли шаҳридаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатига директорлик қилиб юрган кезларида мактаблар учун синф тахтаси ишлаб чиқарилганди. Комбинатнинг давлат банкида ўз ҳисоби очилган эди.

Абдулла Аралбоев янги даргоҳга келгач, ишни унинг моддий базасини мустаҳкамлаш чораларини кўришдан бошлади. Юқори ташкилотларга елиб-югуриб ҳаракат қилиши натижасида 1986 йилнинг баҳор фаслида болалар уйининг янги муҳташам биноси қурилиши бошланиб кетди. 340 ўринга мўлжалланган янги кўркам бино 1988 йилнинг август ойида фойдаланишга топширилди. Бу воқеага бағишланган тантанали йиғилишда Москва, Тошкент, Нукус ва бошқа шаҳарлардан меҳмонлар, Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарлари иштирок этишди.

Болалар уйига Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг ёрдами туфайли 20 минг сўмлик қишлоқ хўжалик техникаси ажратилди. «Олтой» трактори, культиватор, сеялка, плуг, сув насоси олинди. Бу ашёларни сотиб олиш учун оталиқ ташкилоти — «Тошкент» совхози болалар уйига етарли маблағ берди.

Ёрдамчи хўжалик даромад келтиряпти. Жумладан, 1988 йилги даромад 13 минг 500 сўмни ташкил қилди. 1989 йилдан бошлаб ёрдамчи хўжалик оилавий ижара асосида ишлашга ўтди. Шартнома бўйича 16 гектар ерга экин экилиб, ундан 17 минг сўмлик даромад олинди. Ёрдамчи хўжаликда 1985 йили 22 бош сигир боқилган бўлса, ҳозир уларнинг сони 31 бошга етди. Ҳар йили ўртача 1500 килограмм сут, 600 килограмм гўшт, 8 тонна қовунтарвуз, 2 тонна помидор ва бошқа сабзавот маҳсулотлари етиштириляпти.

Биз директор Абдулла Аралбоев билан бирга болалар уйининг хоналарини, ҳовлисини, ёрдамчи хўжалигини, иссиқхонасини кўздан кечирганимизда шунинг шоҳиди бўлдикки, бу ерда тарбияланаётган 104 бола учун барча зарур шарт-шароит муҳайё қилинган. Кийимлари бут, қоринлари тўқ. Ҳозирги қийин иқтисодий шароитда бу катта аҳамиятга эгадир. Негаки, болаларга ғамхўрликни яхшиламасдан туриб, жамиятимиз тараққиётини тасаввур этиш мумкинми, ахир? 10 миллат фарзандлари бўлмиш болалар меҳрибон мураббийлар қўлида намунали тарбия топишяпти.

Салкам 20 йилдан буён бу даргоҳда ишлаётган директор ўринбосари Светлана Михайловна Сон, тарбиячилар Алима Холмуҳаметова, Олтин Урозбоев, Фотима Кенгесова, тиббиёт ҳамшираси Баршин Алманова, Тамара Урозбоева, ошпазлар Иброҳим Бўронов, Бибирабе Аметова ва бошқалар ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришиб, болаларнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлишган. Болалар уйининг педагогик жамоаси тарбиявий ишларни кўнгилдагидек олиб бориш учун барча имкониятлардан, самарали амалий тадбирлардан фойдаланмоқда. Кино-фото, тикувчилик, гасвирий санъат, дурадгорлик тўгараклари, футбол, баскетбол, бокс, шахмат-шашка секциялари фаолият кўрсатяпти. Мунтазам ишлайдиган кино ва видео аппарати, китобларга бой кутубхона болалар хизматида.

Биз директор А. Аралбоев билан бирга болалар уйи ошхонасига кирганимизда, деворда электрон соатга кўзимиз тушди. Савол бердим:

— Соатни ўзларингиз сотиб олдингизми?

— Йўқ, уни сотиб олмадик. Хўжайлидаги 1-қишлоқ ҳунартехника билим юрти жамоаси совға қилган, — деб изоҳ берди Абдулла ака.

— Оталиқ ташкилотлари ва бошқа идора-муассасаларнинг ёрдами ҳақида нима дейиш мумкин? — деб сўрадим.

— Улардан мамнунмиз. Оғир иқтисодий шароитда болалар уйимизга муносиб ёрдам кўрсатишяпти. Жумладан, Нукус давлат дорилфунуни кимё-биология куллиёти жамоаси рангли телевизор, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги видеомагнитофон совға қилишди. Халқ депутатлари Хўжайли ноҳияси Кенгаши 10 минг сўм, Хўжайли шаҳар молия бўлими 10 минг сўм, шаҳар савдо бўлими 1600 сўм, Хўжайли масжиди жамоаси 10 минг сўм, Қорақалпоғистон Республикаси меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси 5 минг сўм, Хўжайли ғишт заводи минг сўм, 11-автобаза минг сўм, «Ғамхўрлик» кичик корхонаси минг сўм, Нукусдаги ремонт-механика заводи 800 сўм пулни ҳисобимизга ўтказишди. Ҳиммати баланд айрим фуқаролардан ҳам ёрдам пули тушаяпти. Масалан, Нукус пиво-лимонад заводи ходими Икром Йўлдошев 900 сўм пулни тарбияланувчилар эҳтиёжи учун топширди.

— Айтинг-чи, эҳтимол, муаммоларингиз ҳам бордир? — деб сўнгги саволни бердим. Абдулла ака бир зум ўйга толди.

— Тўғрисини айтсам, ука, болалар уйи ҳам катта рўзғор, — деди у. — «Рўзғор — минг дардингни қўзғар» деганларидек, ўзимизга яраша ташвишларимиз, муаммоларимиз ҳам бор. Биринчидан, болалар уйи ходимлари, тарбиячиларига давлат томонидан уй ажратиш масаласи чатоқ. Кўп йиллар давомида фақат битта ходимимизга давлат томонидан уй-жой берилган, холос. Нақ биқинимизда кўп хонали 4 та жой қурилди. Энди бешинчи жой ҳам битиш арафасида турибди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1989 йил 20 июндаги № 12-07/1602 сонли хатига кўра, болалар уйи ходимларига 16 та хонадон ажратилсин, дейилган кўрсатмаси бор. Аммо Хўжайли шаҳар ҳокимияти буни инобатга олмаяпти.

Иккинчи муаммо шуки, тарбияланувчиларимиз Қорақалпоғистондаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга кира олмаяптилар, гарчанд аълочи бўлсалар-да. Битта аниқ мисол келтирай. Хўжайлида педагогика билим юрти бор. Унга 8 йилдан буён биронта ҳам боламизни кирита олмадик. Ўтган ўқув йилида Ҳакимниёз Шерниёзов деган боламизни бу даргоҳга олиб бордим. Ҳужжатларни топширдик. Аммо қабул имтиҳонида йиқитишди. Бундан ғафа бўлиб, «Етим болага ғамхўрлик қилмайсизларми, ёрдам беринглар», деб мен билим юрти директори А. Қалилаевга учрашиб, аҳволимизни баён қилдим. У жилмайиб туриб, «ёрдам берамиз», деб ваъда берди. Аммо натижа чиқмади. Бечора болакайнинг ўқитувчи бўламан деган ширин орзуси саробга айланди. Ҳужжатини қўлига гутқазишиб, «тўрт томонинг қибла», дейишди. Ҳозир ўша йигитчамиз Москвадаги ўрта ҳунар-техника билим юртларидан бирида ўқияпти. Бундай мисолларни кўплаб келтиришим мумкин.

Нукус давлат дорилфунунига кира олмаган айрим ўғил-қизларимиз Олмаота давлат дорилфунунига, узоқдаги бошқа ўқув юртларига кириб, таълим олишяпти. Узларингиз хулоса чиқариб оларсиз, мухбир ука! — Абдулла ака оғир хўрсиниб қўйди.

Дарҳақиқат, болалар уйи директори А. Аралбоевнинг куйиниб гапириши бежиз эмас. Етимларнинг бошини силаш — бутун жамиятимизнинг бурчи-ку!

Ғ. ЕҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

Болалар уйи ҳаёти

ҲАМЗА РУҲИ БАРҲАЁТ

Янгилаш даври, янгиланиш даври

БИЗНИНГ ҲАМ ТАШВИШИМИЗ БОР

Жамиятимиз тубдан янгиланаётган ҳозирги даврда ҳунар-техника таълимида ҳам бир қатор янгиликлар амалга оширилаяпти. Жумладан, билим юртимизда ўқиш муддати ўқитувчиларни умумтаълим савиясига ҳамда уларнинг ҳоҳишига қараб белгиланаётир. Масалан, умумий билими етук бўлмаган ўқувчилар бир йиллик гуруҳларга ўқишга қабул қилинади. Улар фақат касб эгаллаганликлари ҳақида ҳужжат оладилар. 9-синфни юқори баҳолар билан битирган ўқувчилар кириш имтиҳонларини топшириш икки йиллик экспериментал гуруҳларга қабул қилинадилар. Бу гуруҳларда ўқиш маҳсус дастур бўйича олиб борилади. Бу гуруҳларни битирганларга ўрта маълумот олганликлари ва ҳунар эгаси бўлганликлари ҳақида диплом берилади. Бундай дипломни ўқиш муддати 3 йил бўлган гуруҳларни тугатиб олиш ҳам мумкин.

Маълумки, бугунги кунда ҳунар-техника таълими соҳасида муаммолар ҳам мавжудки, улар бизнинг самарали ишлашимизга таъсир қилмай қолмайди, албатта. Жумладан, ҳозир жумҳуриятимизда узлуксиз ҳунар таълими концепцияси мавжуд эмас, қолаверса, ҳунармандчиликнинг жамиятдаги мавқеи тўғрисида шаклланган жамият фикри сусайган десак, ката бўлмайди.

Ҳунар таълимининг камчиликлари жамиятимизнинг барча қатламлари аъзолари манфаатига таъсир кўрсатаётгани маълум.

Бу муаммони Халқ таълими вазирлигининг ҳунар таълими билан шуғулланаётган кам сонли ходимлари кучи билан ҳал қилиб бўлмайди, албатта. Ривожланган кўп давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳунар-техника таълими қанча яхши бўлса, давлатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Кўпгина чет элларда ҳунар техника таълимини давлат бошқарувининг ҳамма ричагларини уни мустаҳкамлаш учун йўналтирадилар, қонун йўли билан, давлат корхоналари фирмалар ва бошқа ташкилотлар, ҳунар-таълими ўқув дастурларига керакли маблағни ажратадилар ва бу ишларни ташкил қилишда қатнашадилар ёки ҳунар-техника таълими билан шуғулланадиган фирмаларга солиқ солишда имтиёз берилади...

Ҳамма давлатларда ҳунар таълимини ривожлантириш учун иш ҳақининг маълум қисми қонун йўли билан ўтказилади, бу фонд давлат бюджетида марказлаштирилади ёки муниципалитетлар ихтиёрида қолдирилиб, шу мақсадларга сарфланади. Бу шундан далолат беряптики, бизда ҳам энг яхши иқтисодий программаларни, ҳар-хил қарорларни, жамиятимиздаги касб даражасини оширмасдан амалга ошириш қийин бўлади.

Ҳозирги кунда республикамиз Президенти ва ҳукумати чет давлатлар билан иқтисодий алоқаларни ўрнатиши билан кўчма корхоналар қуриш, илғор технологияларни жорий этиш бўйича интенсив иш олиб бораяпти. Бу борада қўпинча ривожланган давлатлар бизга ёрдам беришга тайёр эканликларини билдираётганликлари қувонарли ҳолдир. Лекин янги қуриладиган қўшма корхоналарни ҳамда мавжуд корхоналарни малакали касб эгалари билан таъминлаш шуғулланмоқда турган энг долзарб ва масъулиятли вазифалардан эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ҳамма корхоналарда чет элдан мутахассислар келиб доимо ишлай олмайди, шунинг учун ҳам эндиликда бундай мутахассис кадрларни — касб эгаларини республикамиз аҳолисидан доимий равишда ўзимиз тайёрлашимиз керак бўлади. Жумҳуриятимизда ривожланган машинасозлик, приборсозлик, автомобиль ва ҳоказо соҳаларида ишлайдиган малакали касб эгаларига эҳтиёж катталиги сезилмоқда. Айни шу соҳаларга бизнинг ўзбек йигит-қизларимиз негадир кам қизиқишади. Менимча, бунинг сабаби бошқа касбларга нисбатан биздаги машинасозлик касбларига кўникма анча мураккаблигидир. Бундан ташқари, бу ишда ойлик маош ҳам муҳим аҳамият касб этишини унутмаслигимиз лозим. Ўйлаб кўринг, аниқлиги 1 миннинг юздан, ҳатто мингдан бир бўлакларигача бўлган деталь тайёрлаш учун қанчалик кўникма, маҳорат керак. Буларга эса йиллар давомида интилиб, тиришиб меҳнат қилиш эвазига эришиш мумкин. Маълумки, ўқувчиларимиз билим юртини битиргандан сўнг, баъзида эса битирмасдан ҳам ҳарбий хизматга чақирилади. Натижада уларнинг кўпчилиги хизматга чақирулгунча олган билимларини корхонада ишлаб, мустаҳкамлашга улгура олмайдилар. Хизмат даврида эса ўрганганларини ҳам эсдан чиқариб юборадилар. Бунинг натижасида ҳарбий хизматдан сўнг ёшларимиз орасида билим юртида олган касбларини ўзгартириш ҳоллари тез-тез учраб туради.

Ўқувчиларни билим юртини битиргандан сўнг армияга чақириш муддатини 1 йилга кечиктириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу даврда ёшлар корхоналарда ишлаб, касб маҳоратларини мустаҳкамлаб, ишлаб чиқариш шароитига кўникма ҳосил қиладилар.

Шунинг учун эндиликда республикамизда ташкил бўлаётган «альтернатив хизмат» бу камчиликни йўқотади, деб ўйлайман. Биз бу йўналишда оталиқ ташкилотларимиз ҳамда ҳарбий комиссариатлар билан ишни бошлаб юбордик. Эндиликда ёшларимизга билим юртимизни битирганларидан сўнг оталиқ корхонамизда ишлаб, армия хизматини ўташ имконияти бериладиган бўлаяпти.

Ўйлаймизки, бу тадбирлар ёшлар малакасини оширишга, ишлаб чиқаришда қўнимсизликни кескин камайтиришга олиб келади. Умуман, давр талабига жавоб берадиган халқ таълими, ҳунар таълимигина ёшларни мустаҳкам социал муҳофазасини таъминлайди, деб ўйлаймиз.

Қобил ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкентдаги 33-ҳунар-техника билим юрти директори.

Суратларда: билим юрти ҳаётидан лавҳа.
А. Чаплигина суратлари.

АКС САДО

ЎША-ЎША ЭСКИ ГАП

«КЎНГИЛ ГУЛДАН НОЗИК», «МАЪРИФАТ», 1992 ЙИЛ 27 ФЕВРАЛЬ

Мақолада кўтарилган масаланинг долзарблиги шундаки, мисол қилиб аёл ўқитувчиларни олсак, улар орасида, ҳатто 20—25 йилдан бери малакасини оширмаганлари ҳам бор. Сабаби — уларни қонун ҳимоя қилади. Айримларининг 200—300 чақирим масофага бориб ўқишга имконияти бўлмайди. Ўқитувчилар малакасини оширишни ноҳияларда ташкил этиш эса бу каби нуқсонларга чек қўяди.

Мен 15 йиллик иш фаолиятимда тўрт марта малака ошириш курсидан ўтганман. Лекин бу малака оширишда ўзимга ҳеч бир янгилик ёки фойдали фикр олганим йўқ. Сабаби — ҳар борганимда ўша-ўша маъруза, эски гаплар. Менимча, у ердагилар энг сўнгги тажриба ва янгиликларга асосланган ҳолда ишни ташкил этиши керак. Қайси ўқитувчи қачон малака ошириш курсига боришини эса аттестация ўтказувчи ҳайъат аниқласа, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

А. ХУДОЙНАЗАРОВ.
Навоий вилояти.

●

К. Қаҳҳоров ва А. Толиповларнинг «Кўнгил гулдек нозик» мақоласини ўқидим. Унда ўқитувчининг қимматли вақтини тежаш ва шу каби қатор масалалар ҳар томонлама ҳисобга олинган. Менимча, бу фикрга кўпчилик ҳамкасблар қўшилишса керак. Лекин малака ошириш тадбири ноҳияларда ўтказилса, вилоятдагидек шарт-шароит бўлармикан?

Б. БОЗОРОВА.
Самарқанд вилояти.

●

Мазкур мақола муаллифлари фикрларига қўшилган ҳолда, қуйидагиларни баён қилмоқчиман.

Мактаб метод бирлашмаларига раҳбарликни ва методик ёрдамни кучайтириб, ўқитувчиларни ижодий ишлашга ундай олиш керак.

Ҳаракатдаги семинарларда ҳар бир синф дастури асосида дарсликдаги мавзулар бўйича амалий ишларни ташкил этиш лозим (ўқитувчилар дарс материалини қандай баён этишини ўрганиб олсин).

Бу ишларнинг давоми сифатида ноҳия методика хонасида ёки таянч мактабларида курслар ташкил этиш керак. Унда олий ёки биринчи тоифали ўқитувчилар маълум бир йўналиш (педагогик муаммоларни ҳал қилишдаги қийинчиликларни бартараф этиш, ижодий ишлаш — тоифа оширишнинг муҳим омили, табақалаштириб ўқитиш — давр талаби каби) бўйича маърузалар қиладилар.

Албатта, бу ишлар фақат амалий машғулотлардан иборат бўлибгина қолмай, илмий манбаларга асосланган ҳолда назарий билимлар билан бойитиб борилади. Менимча, шунга ўхшаш йўлларни қидириб топгандагина ҳозирги танглик пайтида ҳам моддий, ҳам маънавий самарага эришамиз.

М. ҒАФФОРОВ,
Пастдарғом ноҳияси халқ таълими бўлими методисти.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Ойни этак билан ёпиб бўлмас

МИЁНКАЛ ХАНДАҚЛАРИ ИНГРАЙДИ

Тақризчи: Неъматжон ҲАСАНОВ, тарих фанлари номзоди, доцент.

БИР ТИЛОВАТ ҚИЛАЙЛИК...

Бир гектарча майдонни ўз ичига олган Каттаминг тепа текисликдан чамаси 20 метрлар баланд. Тепаликнинг айланаси ҳозир ҳам тўқайзор ва қиёқзорларни ташкил этади. Унинг тепасига чиқиш ҳам анча мушкул.

— Ўғлим,— дейди кўз ёши билан ўша 1929—33 йилларни эслаб ва хандақларни бирма-бир кўрсатар экан Шукур бува алам билан,—бу мозор Миёнкалдаги энг кўп ўликни ўз қаърига олган тепалик. Бу ерга 29 мингга яқин бегуноҳ «қулоқ»лар устма-уст, ҳатто саржин қилиб кўмилган. Мана бу чўкиб кетган катта ўранинг чуқурлиги икки одам бўйи келарди. Биз мол ҳайдаб, кетмон чопиб юрган пайтларимизда келиб кўрардик. Шу хандақ — ўрага уч йил кетма-кет ўлик ташланди. Ўликларни иккита махсус бричка аравада ҳар куни уч-тўрт марта олиб келишиб, устбоши билан кўринган жойдан ушлаб туриб чуқурга отишарди. Ўликлар йиллаб усти ёпилмай чириб, сасиб, итлар, қушлар, ёввойи ҳайвонларга ем бўлиб ётарди. Ўлик ҳидидан — сассиғидан қишлоқда юриш, кўчадан ўтиш мушкул эди. Халқ норозилиги кучайиб Муқимжоновга боришди. Шундан сўнг улар хандаққа шох-шаббалар ташлашди. Яна ҳид анқийберди. Халқ яна қўтарилди. Сўнг бандиларни олиб келишиб кўмдиришди.

— Айниқса, тиши қоқиб олинган жасадларни қаранг-а, Шукуржон,— дея изоҳ бера бошлади Аҳмад бува мунгли бир оҳангда.— Агар одам боласи шу қадар хор, шу қадар қадрсиз бўлиб туғилганлигини билганимда, мен ҳеч қачон инсон, одам бўлишга рози бўлмасдим. Бир кун биз ҳам бу кетишда шу аҳволга тушамиз, деб ўйлардим. Ахир, болам, ҳайвон-ку, бирининг гўштини бири қандай ейишини, бирининг-бири қай ҳолда мағлуб қилишини билардик, ҳатто кўрганмиз. Аммо инсонни инсон бунчалар хор, бунчалар, қадрсиз қилишини, ҳатто ўлдирилгач ҳам жасадини итдан бешбаттар аҳволга солишини биринчи бор кўришим. Шундай доно кишиларни отган, уриб ўлдирганларнинг илоҳим қўли кесилсин, кўзи кўр бўлсин, дердим. Шулардан Умаркал икки кўзи кўр бўлди; сўғин Сиддиқ каззоб эса қўли жоду орасида қолиб чўлоқ бўлган, у ўта азоб билан ўлди. Ўша пайтларда биз ҳам яшашдан воз кечганмиз. Кўз олдимизда бегуноҳларни отиб ташлаш,— чумчуқ отиш билан тенг нарса эди. Бу тепаликнинг ҳар бир хандақида ўликлар саржин. Тепаликка машина чиқолмайди, атроф ботқоқлик. Вертолёт олиб келиб очинглар. Биз шоҳидмиз. Ҳозирча биз ҳаётмиз, ўғлим. Ўша ваҳшийликлар ҳақида авлодларга бирор нарса ёзиб қолинглар. Бизлар ёшимизни яшаб бўлдик. Шу кунгача КГБ сидан қўрқиб келдик. Энди ҳеч бир кимсадан қўрқмаймиз...

— Отахон жуда тўғри айтяптилар,— деб гап бошлади Ленин номли колхоз раиси Тўрақул ака ўта ҳаяжон билан.— Биз, ҳақиқатан итоаткор — қўй эканмиз. Шу кунгача ана шундай мудҳишликлар, ваҳшийликлар, қотилликларни ўз хонадонимиз, қишлоғимизда фақат биз кўриб турибмиз. Жумҳуриятда бу бедодликлар деярли изсиз. Буни биз биламиз — қишлоғимиз аҳолиси биладн, холос. Ошкоралик бўлиб биринчи бор сизлар сўраб келдинглар, раҳмат! Агар Оловат тепадаги қалашиб ётган ўликлар хандақларини кўрсангиз, фақат ёқа ушлайсиз. Бўлиб ўтган хўжаликнинг ҳаммаси биладиган ваҳшийликлар биз учун сир эмас. Аммо бу нарса вилоят ва жумҳурият, айниқса, собиқ Иттифоқ, жаҳон халқлари учун ҳамон сир тутилиб келинди. Шўро тузумига ишониб бўлмас эди. Қўрқардик. Хайрият, замон ўзгарди...

— Тўрақул, эсингиздами, 1981 йили 8-бригада ери биқинидаги қабрдан чиққан аёл суяклари,—гувоҳлик беради Шукур бува мунгли бир оҳангда. Раиснинг «ҳа, ёдимда, гапириб беринг ўша воқеани» деган илтимосини олгач, ота давом этди:

— Бу ерларнинг шароитида уч-тўрт йилда бир марта турли тепаликлар этакларидан зовур қазилади, ерлар текисланади. Сўғин ерлар суви пастга тортилиб экин экилади. Худди шу мақсадда ўша ер текисланди. Шунда тўсатдан одамнинг қўл суяги чиқиб қолди. Тракторни тўхтатдик. Кетмон билан авайлаб ёнларини очдик. Бош суяк ва қовурғалар пайдо бўлди. Қайси кўз билан кўрайликки, қовурға ичида катталиги пиёладек келадиган бош суяк ётибди. Демак, бу ҳомиладор аёлнинг жасади. Жасад ёнини такрор очамиз. Бу ерда яна калла суяклари, суяклар... Авайлаб кўмиб қўямиз.

— Оловат тепа мозорида ковланган ўта чуқур мана бу хандақ ўликдан тўлиб-тошгач, устига мингдан ортиқ жасад уст-боши билан эски увадага ўхшатиб саржин қилиб терилган эди,— деб гапга аралашади Қосим ота бизга тепаликда чўкиб, ўт-ўланлар ўсиб кетган хандақларни кўрсатар экан. Ота бир зум сукутга кетди. Олдин ана шу бекафан кетганлар руҳига тиловат қилишни хоҳлади. Ўттиз чоғли одамлар қабрлар атрофида ўтирдик. Ота тиловат қилдилар. Сўнгра сўзларида давом этдилар:

— Ўғлим, шу чуқур ўликка тўлиб, устига яна одам бўйи қилиб ўлик саржин қилинганини биргина мен эмас, мана шу ерда турган Олимжон Муҳаммаджонов, Ботир бува, Тошпўлат бува, Эштўхта бува, Шукур бува, Мулла бувалар ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Тўғрими, яхшилар?

Ботир бува, Тошпўлат бува жўрликда: «Ҳаммаси тўғри, бўлган воқеа, ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Айниқса, одам ўлигини кўра бериб, чидаб бўлмайдиган сассиқ ҳидга дуч келавериб, вужудимиз кесак, димоғларимиз мўрига ўхшаб ҳид сезмайдиган бўлиб кетган эди», деб тасдиқлашар экан, яна Қосим ота давом этарди:

— Тракторчи эмасманми, кўпинча ер очиш, текислаш менга юкланарди. Иш пайтида сон-саноқсиз бош суяклар мана бу пастқамликдаги чуқурликдан чиққан эди. Тўғрими, Баҳриддин, ўшанда раис бўлмасангиз ҳам, аъзо сифатида бор эдингиз?

Баҳриддин ака тўлиб турган эканми, Қосим отанинг «тўғрими» деган сўроғига жавоб қилибгина қолмай, бу воқеани тутоққан ҳолда шарҳлай кетди:

— Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, 1966 йил бўлса керак, мана шу чўзилиб кетган тепалик ёнбағрини, ҳақиқатан ҳам, Қосим бува зовур қазиш учун очдилар. Жуда одам кўп эди. 50 метрларча қазганларида трактор ковшида инсон бош суяклари, қовурғалар, илик суяклари чиқа берди. Мулла бувани таклифи билан суяклар тўплаб, хў-ўв кўриниб турган тепаликка кўмдик ва бу ерни бошқа қаздирмадик.

— 1985 йил баҳори эди,— суҳбатга қўшилди Маркс номли колхознинг бош ҳисобчиси Ҳайитмурод асабий бир ҳолда,—шахсан ўзим Хатирчи чегарасидаги Ўрис қишлоқ ёнидаги тепаликни текислаётсам, тўсатдан одам суяклари, бош суяклари чиқиб қолди. Юрагим «шув» этди. Трактордан тушиб санасам, бош суяк 15 та чиқди. Маълум бўлишича, бу инсонлар 1932 йилда кўмиб ташланган. Суякларни такрор кўмиб қўйдик. Агар гапимга ишонсанглар, бегуноҳлар жасадлари фақат «Каттаминг», «Оловат», «Мозор» ва «Узунмозор»да эмас экан. Колхоз ҳудудининг «Колония» деб аталувчи ўша 30-йилдаги ўлим ўчоғи қўрғони атрофларидаги юзлаб гектар ерларнинг хоҳлаган жойини очсангиз, камида ўн-ўн бештадан бош суяк чиқаверади.

«Нима учун бу ерни Ўрис қишлоқ дейишади?» деб савол ташлаймиз. Даврадагиларнинг бири бу ерда ўша пайтларда «колония» муносабати билан ўрислар яшаган десалар, бошқалари бу қишлоқда ўрислардан фақат бир-икки оила бўлган деб изоҳ беради.

Ушбу этнонимга колхоз раиси Баҳриддин ва Ҳайитмурод акалар бундай изоҳ беришди:

— Бу ерда ўрислар деярли яшамаган. «Ўрис қишлоқ» номини олиш диний ва миллий қадриятлар билан боғлиқ. Ўша колхоз тузуми ва ундан сал олдинроқ, яъни 20-йиллар ўрталарида бу ерда яшовчи ўзбеклар кўплаб фирқа ва комсомолга киришган, Ислом динига қарши кишилар бўлишган. Шу туфайли Қумоқ, Мўминхўжа, Ёдгорхўжа қишлоқлари, хуллас, Каттақўрғон ва Пайшанбадаги мусулмонлар у ернинг аҳолисини «ўрис»— кофир деб аташган. Шушу бу қишлоқ «Ўрис» деб аталади...

Экспедициямиз давомида руҳиятимизда умуман сўлғинлик, кайфиятимизда кемтиклик ҳукм сурди. Лекин биз саволлар бериб, қариялар эса жавоб қилишиб



чарчашмади; видеотасвирчимиз суратга олгани олган.

Ниҳоят, «Узунмозор» томон йўл оламиз. Бу ерга, кексаларнинг айтишига қараганда, 7 мингдан ортиқ «қулоқ» кўмилган. Узунлиги бир километрдан ортиқ чўзилиб кетган, сатҳи ўт-ўланлар билан қопланган ўликлар макони бутун вужудимизни муз янглиғ совутди. Бу ерда бандиларнинг ўзларига қаздирилган чуқурлар каби узун зовурлар, хандақлар...

— Оғайнилар, — қуйиб-ёниб гап бошлайди Баҳриддин ака, — сизларга раҳмат, шу кунгача махфий сақланиб келган, халқимиздан сир тутилган жойларни ўрганганги келибсизлар! Каранг, шу кунгача археологларимиз идиш-товоқлар топиш учун қидириш қилдилар. Ахир, бу ерда бундан 60 йил бурун отиб ташланган, очликдан ўлиб кетган авлодларимиз саржинлаб кўмиб ташланган ёдгорлик тепаликларини очиб ўрганадиган тарихчилар йўқ-ку! Уларга бундан зарур иш бўлмаса керак! Қани бу қотилликларни ўрганадиган ёзувчилару журналистлар?! Гапирсам, гап кўп... Бу тоталитар, зўравонлик заминига қурилган тузум майда халқларни, ҳатто Россиянинг ўзини ҳам хонавайрон қилди, қадриятларни изчиллик билан ерга уриб келди. Ҳатто ўзбек, қирғиз, қозоқ каби Туркистон халқларидан 1939 йилгача Ватан ҳимоясига — армия сафига олишни ҳам эп кўрмади. Бу миллий халқларни Шўро учун алоҳида хавфли, қўпорувчи, миллатчи одамлар сифатида кўриб дағдаға тушилган эди.

Аммо миллий батракларга энкеведи ходимлари сифатида қаралди, уларга ҳадсиз жаллодлик имтиёзлари берилди. Ана шу миллий энкеведичилар қўллари билан миллий кадрлар қириб ташланди. Бу ваҳшийликнинг моҳиятига энди тушундик.

Яхшиси, шу жойда бир тиловат қилайлик-да, хоҳлаган чуқурни очайлик. Бу ерда ётганларни ўз кўзларинг билан кўринглар, — дея сўзини якунлади Баҳриддин ака.

Тиловат қилинди. Тракторчимиз таваккал қилиб бир чўкиб ётган кичик хандаққа ўз ковшини ташлай бошлади. Беш-олти ташланиб тупроқ олингач, уч калла суяги экскаватор тиши зарбида мажақланиб чиқди; илик ва қўл суяклари, қовурғалар тизилиб чиқа бошлади. Тасвирга туширамиз. Юракларимиз бардош бера олмайди, бу мудҳиш кўринишга. Суякларни оҳиста кўмамиз... Бошқа хандақларни очтиришга асос қолмади. Балким, энди савобли ишга олимларимиз, тааллуқли ташкилотларимиз ва, ниҳоят, махсус органларимиз ўз қўлларини уришар. Лекин бу нарса уларнинг миллий ва инсоний тутимига боғлиқ. Бу тепалик ва хандақларни очиб, ўз фикрини айтадиган давр келди...

ҲОКИМ ҲУЗУРИДА

Каттақўрғон район ҳокими Марди Нуриддинов ҳузуридамиз. Ишимизни кўнгилдагидек чиқишига юракдан ёрдам берганлиги ва қўллаб-қувватлагани учун ҳокимга миннатдорчилик билдирамиз.

Ҳоким бу ерда олиб борган текширишларимизни, халқимиз учун ҳамиша сир ва махфий сақланиб келинган тарихий ва инсоний муаммони биринчи марта ошкор қилинаётганлиги учун ҳам бебаҳо ва тенгсиз янгилик, хайрли иш деб баҳолайди:

— Қачонлардир бу мудҳиш ваҳшийлик очилиши, халқимизга эълон қилиниши керак эди. Журъат қилиб, сизлар биринчиликни олдинглар, раҳмат! Ахир, миллатимизнинг энг эзъозли, ардоқли фарзандлари — Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Элбек, Анқобой, Ашурали Зоҳирий каби минглаб дарғалари мана шу 30-йиллар қурбони бўлди-ку! Биз шу кунгача худди чегара сифатида фақат 1937 йилдан у ёқ қатағонликлари хусусида гап очдик, фикр қилдик. Афсуски, коллективлаштириш ваҳшийликлари, қотилликлари, «қулоқ» қилинган саноқсиз пок инсонларимиз, миллатимизнинг етук вакиллари — домла, мулла ва бойваччалари тўғрисида бирон оғиз илиқ сўз айтишни ўзимизга эп кўрмадик; уларни қоралаб Шўро ҳокимиятининг ягона душманлари, деб баҳоладик. Ваҳоланки, бу инсонлар ўз меҳнати, ишбилармонлиги билан одамларга кўмак берган, ночорларга ёрдам қўлини чўзган, зориққанларга юракдан илтифот қилган сахий қалб эгалари эдилар; оллоҳни эсдан чиқармаган, қадриятларимиз ва анъаналаримизни эъзозловчи миллатпарварлар эдилар. Минг афсуски, ўша йиллар бу ерда қатл этилган кишиларнинг шахсиятини белгиловчи биронта «иш» ҳам сақланмаган, мен бу нарсани аниқ биламан. Сабаби — мен навбатдаги эълон қилинаётган китобимга материал тўплаш учун кўп вақт шу Каттақўрғон ва Самарқанд архивларида манба титкилаганман...

◆

Суратларда: 1. Каттақўрғон районининг ҳокими Марди Нуриддинов. 2. «Узунмозор»да хандақ қазиш жараёни. Муҳаммад Амин тасвири.

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ МУАССАСАЛАРДА

ТАШВИШЛАРДА БОРДЕК ҲАЛОВАТ...

Мен уни болаликдан биламан. Ғайратли, ҳазилкаш ва ниҳоятда оққўнгил — «Бўстон» ашула ва рақс дастасига бирга қатнашиб юрардик.

Туғма қобилият бўлмаса бекор экан. Раимжон Комилжонов, Рустам Эшмуродов, Нусрат Шабанов сингари устозларимиз қанчалик жон куйдиришмасин, мен ва баъзилардан санъаткор чиқмади. Лекин Болтахоннинг эса йўриғи бошқа...

Қамашида «Азимовлар сулоласи» деб юритиладиган бир оила бор. Бу оиланинг каттаюкичиги қўшиқ айтади, назм битади, соз чалади, куй яратади. Раҳматжон, Исомиддин, Асниддин, Ботирхон, Юсуфхон, Болтахон, Абдусаидхонларнинг ҳаммаси ҳам тилга тушган хонандалар десам муболаға бўлмас. Нақиядa бирон-бир тўй уларнинг иштирокисиз ўтмайди. Болтахон шу оиланинг ўртанчи фарзандларидан бири. У билан тенгдошмиз, самимий қадрдонлигимиз бор.

Хизмат сафари сабаб жонажон Қамашининг дийдорини кўриш яна насиб этди. Район халқ таълими бўлимининг мудири Эркин Шоймқулов «Болалар ва ўсмирлар уйи»га бошлади. Қўш қаватли бинонинг зинапоясидан кўтарилар эканмиз, мусиқа, садоси ва қўшиқ янгради. Овоз таниш эди.

Жамолинг васфини эй ой,
Неча элдим эшитгайман...

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур «Эшитгайман» радифли ғазалини зўр маҳорат билан ижро этаётган бу қўшиқчи эски қадрдоним Болтахон Жамолов эди. У бизни кўрдию, торини четга қўйиб, қўшиғини ҳам яримталаб, истиқболимизга шошилди. Болтахон ниҳоятда ҳаяжонда, ўзида йўқ хурсанд эди.

Орадан йигирма йил ўтибди. Кўринишдан ўзгариб кетганмиз, албатта. Аммо феъл-атворимиз, ўша-ўшалигича қолган экан. Ҳаваскорлик йилларимизни эслаб кулишдик. Ҳамиша ҳам унинг оққўнгиллиги, тез-тез гапириб, самимий кулишлари менга ёқар, шу хислатлари учун Болтахонни ҳурмат қилардим.

— Оббо, сиз-эй, мухбир бўлиб келдим, денг?! — севиниб сўзларди у.

— Сизнинг директорлигингиздан хабарим йўқ эди, — дедим мен ҳам.

Болтахон қувониб ишлари билан таништира бошлади. «Болалар ва ўсмирлар уйи»нинг биноси мақташга арзимас экан. Анча уринган, таъмир талаблиги кўриниб турибди.

Гап ўрни келганда айтиб ўтиш жоиз. Жумҳуриятимизнинг қайси вилояти ёки районида бўлмайин «Болалар ва ўсмирлар уйи» жойлашган бирорта ҳам қулинг ўргилсин иморатни кўрмадим. Бундан сезилиб турибдики, мутасадди ташкилотларнинг мактабларидан ташқари муассасаларга бўлган диққат-эътибори етарли эмас. Қамашида ҳам аҳвол шундай эди.

Табиатан тиниб тинчимас ташкилотчи Болтахоннинг қилаётган ибратли ишлари, жонбозлиги, фидойилиги сезилиб турибди. Унинг гапига қараганда, 320 нафар ўғил-қиз бу масканнинг доимий аъзоси. 17 нафар мутахассис-педагог эса ўқувчиларга ҳунар сирларини ўргатаётир. Радио тўғараги, мусиқа, фото, бичиш-тикиш, чеварлик ва бошқа шунга ўхшаш жами 11 тўгаракда кенг кўламда ишлар олиб борилаётганлигининг шоҳиди бўлдик.

«Қўғирчоқ театри»мизни кўрсанглар, — деб қолди Болтахон. Зал мўъжазгина эди. Турли бежирим либослардаги 60 дан ортиқ қўғирчоқ-артистлар саф қилиб териб қўйилган. Декорация ниҳоятда дид билан қурилибди. Театрда 56—60 нафар ҳаваскор болалар иштирок этиб, қўғирчоқларга овоз беришар, образ яратишар экан. Қўғирчоқ театрининг саркори вазмин, сўзлари залворли, Садриддин Суюнов деган йигит эди. Ўз иши тўғрисида гапиришни унчалик ҳам хуш кўравермади.

— «Қўғирчоқ театри» спектаклларини пулли намойиш этиш режамиз бор. Бироз маблағ тўпласак, ёмон бўлмас эди. Ўз-ўзимизни моддий жиҳатдан таъминлашимиз келгусидаги ишларимизни ривожлантириш учун асос бўлади, — деди С. Суюнов.

Кейин директор билан суҳбатимиз давом этди. Гап орасида унга:

— Сурхондарё вилоятида хизмат сафарида бўлганимда, у ерда «Болалар ва ўсмирлар уйи»ни тугатиб юбориш керак, деган фикрлар бўлди. Бу масалага сиз қандай қарайсиз? — деб савол бердим.

— Мен бу фикрга мутлақо қаршиман. Тугатиб юбориш эмас, аксинча, жонлантириш лозим.

— Ундай бўлса, Болтахон, келгусида «Болалар ва ўсмирлар уйи» қандай бўлишини истар эдингиз?

У чуқур ўйга толди. Сўнг:

— Саволингиз ўринли. Менинг фикримча, «Болалар ва ўсмирлар уйи» бирор идора қарамоғида бўлмай, балки ўзи алоҳида мустақил бўлгани маъқул. Ҳали айтганимдек, ўз бюджети, ўз ҳисоб-китоби, хўжалиги бўлган муассаса ўзига хос йўналишда ҳаракат қилади. Қаршиликдан қутулади. Қаршилик бўлмаган жойда эса ижодкорлик, ташаббускорлик кенг қулоч ёяди, — деди Болтахон Жамолов кўзлари чақнаб.

У билан хайрлашар эканман, иқтидорли, ғайрат-шижоатли бу йигитнинг яратувчан ижодкор қалбини англагандек эдим...

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

(Боши газетанинг ўтган сонларида).

Мактуб йўлга чорлади

ШИКОЯТЛАР ЎРИНЛИ, БИРОҚ...

Осуда кунларнинг бирида таҳририятимизга навбатдаги шикоят хати келиб тушди. Унинг мазмунига кўра, Бухоро вилояти Ғиждувон шаҳридаги А. Фитрат номли мактаб муаллимлари орасида кейинги йилларда рўй берган айрим майда безориликлар, шу қаторда ўқув даргоҳидаги баъзибир камчиликлар хусусида фикр юритиларди. Биз мактуб мазмунини муҳокама қилиб кўрдик. Очиғини айтганда, хатда кўрсатилган мактабга бориш нияти туғилмади бизда. Нега деганда, биринчидан, майда безориликлар билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шуғулланганги маъқул. Ва шундай ҳам бўлган. Хат муаллифи — шу мактабда гуруҳ тарбиячиси бўлиб ишлаётган бошланғич таълим мутахассиси Гулчеҳрахон Дониёрова — ўз жамоасидаги қарилик пенсиясига чиқиш ёшида бўлган ўқитувчилардан бирининг уни кўпчилик орасида беҳурмат қилиб тан жароҳати етказгани, кейин шу туфайли бир неча кун касалхонада ётиб чиққанини билдириб, район ва вилоят судларига, прокуратураларига мурожаат этган. Аммо ҳеч қандай натижа чиқмаган. Бу ўринда ҳам бор гапни айтишга тўғри келади: чунончи, қатор-қатор юристлар ҳал этолмаган жумбоқни бир мухбирнинг ечиши жуда қийин. Мабодо шу иш юзасидан биз хатда кўрсатилган жойга борганимизда ҳам, қонуншуносларнинг маслаҳатисиз иш юритмаймиз.

Иккинчидан, мактубда кўрсатилган мактаб ҳаётига оид камчилик ва нуқсонлар ҳам жуда янгилик эмас. Уларнинг кўпчилиги республикамиздаги аксарият мактабларга хос. Аммо улар орасида жиддий чора кўриш лозим бўлганлари ҳам йўқ эмас эди. Бундай камчиликларни эса жуда борса шаҳар ҳалқ таълими бўлимининг аралашуви билан, мактаб жамоасининг ўзи тезда тузатса бўлади. Одатда, биз шунга ўхшаш мазмундаги мактубларни тегишли идораларга, халқ таълими бўлими ва бошқармаларига махсус хат билан чора-тадбирлар белгилаш ва тезда шу ҳақда хабар бериш учун юборамиз. Лекин, нима бўлганда ҳам, хат муаллифининг у кўндаланг қўяётган масала ниҳоятда жиддий эканлигини тушунтиришга уриниши, Бухорои шарифдек узоқ шаҳардан Тошкентдек жойга арз қилиб қайта-қайта келишини ҳисобга олиб, Ғиждувонга бирров бориб келишга қарор қилдик. Тушуниш керак, ҳарҳолда бир олий маълумотли муаллима таҳририятни мўътабар даргоҳ билиб, мухбир юборилишини сўраяпти, умид билан мурожаат этаяпти. Қолаверса, майда безориликлар билан юристлар шуғулланиши лозим бўлган тақдирда ҳам, масаланинг маънавий жиҳатлари бор-ку. Наҳотки халқ зиёлилари, таълим-тарбиядек мўътабар иш билан шуғулланувчи муаллимлар жамоасида одамлар биров-бировини ҳақоратлаб, касалхонада ётадиган даражада биров-бировига тан жароҳати етказса. Мактаб иши қолиб судма-суд, идорама-идора бир-бирининг устидан арз қилиб юрса. Бундай далиллар ўша жамоадаги маънавий-руҳий муҳитнинг издан чиққанини билдирмайдими? Шунингдек, мактабдаги мавжуд камчиликларни тугатишга киришилганми ёки улар шу ҳолича ётибдими? Хат муаллифи ҳарҳолда ўз манфаатини кўзлаб ёки ғаразли мақсадда таҳририятга кетма-кет мурожаат этмаётгандир. Ёки ўртада шахсий адоват бўлиб, бу қусур мактаб ишига аралаштирилаётгандир? Шу каби саволлар бизни ўйлантириб қўйди.

Хуллас, Ғиждувонга бордик, мутлақо холис, мактаб ишини яхши тушунадиган одамлар — беш кишидан иборат комиссия тузиб, шикоят хатида кўрсатилган далилларни текширишга киришдик. Мактаб жамоасини тўпладик, шикоят хати муаллифи иштирокида жуда ошкора иш юритдик. Текширув, муҳокама ва таҳлилларнинг биринчи босқичидаёқ масала биз кутгандан бошқачароқ бўлиб чиқди. Яъни шикоят хатида ўқув даргоҳидаги барча майда безориликларнинг сабабчиси сифатида кўрсатилган ўқитувчи ҳозирда ҳақиқатан қарилик нафақасида бўлиб, уни муаллимлар жамоаси жуда ҳурмат қилар экан. Тўпланган маълумотлардан шу нарса аниқландики, мазкур ўқув даргоҳида муаллимлар бир-бирлари билан аҳил ишлаб, муҳитнинг бузилишига йўл қўйилмас экан. Юқоридаги жанжалга келсак, у шахсий келишмовчилик, мактаб ҳаётидан ташқари ортиқча гапларнинг оқибати бўлиб чиқди. Афсуски, биз борган пайтда мактубда исм-шарифи келтирилган домла оғир бетоб бўлиб қолибдилар. У кишининг иштирокисиз эса далил тўплаш ва бирон-бир хулосага келиш тўғри бўлмас эди. Шу сабабли Г. Дониёрованинг розилиги билан мазкур масалага нуқта қўйишга тўғри келди.

Шикоят хатида келтирилган мактаб ҳаётига оид камчилик ва нуқсонларнинг кўп қисми ўз исботини топди. Биз ўқув даргоҳига борган пайтда у ерда таъмир ишлари борар, мактаб раҳбарларининг бош қашишга вақтлари йўқ, ўқитувчилар эса аттестат ёзиш билан банд эдилар. Шундай бўлишига қарамасдан, шикоят хатига алоқадор айрим маълумотларни аниқлашга эришдик. Масалан, мактуб муаллифи Г. Дониёрова 20 йиллик педагогик стажга эга бўлган олий маълумотли бошланғич синф ўқитувчиси. Айни пайтда эса у кишига нимагадир бошланғич синф ўқитувчилиги эмас, балки гуруҳ тарбиячиси вазифаси топширилган. Бунинг сабабларини суриштирганимизда, мактаб раҳбарияти Г. Дониёровага 1-«В» синфни берганимизда у инкор этган, деса, Дониёрова эса, мен шу мазмундаги таклифни қабул қилишга ҳар қачон тайёрман, дейди. Хуллас, бу борада тушунмовчилик мавжуд.

Шунингдек, Г. Дониёрова 20 йиллик педагогик стажга эга, унинг шу соҳада самарали, фидокорона, ҳалол меҳнат қилаётганини мактаб директори хокисорлик билан ёзиб берган тавсифнома ва фахрий ёрлиқлар ҳам тасдиқлаб турибди. Муаллима шу давргача, ўз ўзидан тажриба орттирган, илғор ўқитиш услубларини ўзлаштирган, бирорта маъмурий жазо олмаган. Бўлиб ўтган аттестация даврида эса унга оддий «мутахассис ўқитувчи» деган тоифа беришган. Тўғри, бу масалани аттестация комиссияси тўплаган маълумотларга қараб ҳал қилади. Комиссияга кўрсатма бериш, у чиқарган хулосаларни тўғридан-тўғри тафтиш этиш бизнинг вазифамизга кирмайди. Аммо, нима бўлганда ҳам, газетхон тушуниб турган бўлса керак, бу ўринда муаллима Г. Дониёровага нисбатан бироз адолатсизликка йўл қўйилганга ўхшайди. Мана, қаердан бошланяпти жойларга арз қилиш. Бизнингча, муаммони оқил ҳал этиш учун мактабнинг ўзида комиссия тузиб, шаҳар халқ таълими бўлимининг вакили иштирокида Г. Дониёровонинг тоифаси масаласини зудлик билан, тезкорликда кўриб чиқиш керак.

Мактаб директори Рафаэл Раҳматовнинг тушунтиришича, Г. Дониёровага тоифа берилган пайтда у комиссия иштирокида бўлмаган, яъни бошқа лавозимда ишлаган. Демак, унинг бунга алоқаси йўқ. Аммо жамоадан бир киши адолат ўрнатишни истаб юқори ташкилотларга мурожаат қилиб юрганда, қўл қовуштириб ўтириш ҳам нотўғри бўлур эди.

Мактабдаги маънавий муҳит, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатни кузатар эканмиз, юқоридаги воқеаларнинг содир этилиши табиийдек туюлди бизга. Негаки, Г. Дониёрова ўзининг айрим хатти-ҳаракатлари билан жамоа орасида хиёл обрўсизланиб, яккаланиб қолганга ўхшайди. Тушуниш керак, албатта, жамоадан айрилган, унга шаддодлик билан қарши борган кишини ҳеч ким қувватламайди. Муаллимга эса ҳақиқий баҳони шу жамоа беради. Бу ўринда ҳар қандай инсоннинг ҳам дўстлари билан кучли эканлигини, бир жамоада меҳнат қилиб туриб, шу жамоа аъзоларидан узоқ юриб бўлмаслигини унутмаслик керак.

Шунингдек, мактабда яратилган шароитлар талабга тўлиқ жавоб бермаслигига қарамай, 6 ёшли 1-синф, куни узайтирилган гуруҳлар очилган. Айрим ҳолларда бошланғич синф ўқувчилари ва куни узайтирилган гуруҳларга «кадр етишмагани» учун фан ўқитувчилари дарс беради.

Шикоят хатида синф журналларини юритишда камчиликларга йўл қўйилган, дейилган. Биз журналларнинг айримларини текшириб кўрганимизда, жиддий камчиликларни учратмадик. Аммо Г. Дониёрова тақдим этган журналлар фотонусҳасида журнал юритишга ўқув йили мобайнида нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Хат муаллифи суҳбат давомида ота-оналардан мактаб таъмири учун пул йиғилган, дея қўшимча маълумот берди. Текшириш давомида баъзи бир ота-оналарнинг мактаб таъмири учун ҳиммат кўрсатиб ёрдам берганлари маълум бўлди. Аммо бу ўринда Г. Дониёрова алоҳида урғу билан таъкидлашга уринган ғирромлик, қаллоблик кўринмайди. Ҳозирги етишмовчилик, маблағ танқислиги даврида ота-оналарнинг мактабга кўрсатадиган ҳар қандай кўмагини олқишлаб, уларга раҳмат айтмоқ керак.

Хуллас, санайман десангиз, майда камчиликлар, айтаман десангиз, бош-кети йўқ гаплар, тинглайман десангиз, инжиқ даъвою арзномалар кўп. Агар шикоят хати муаллифининг барча тўпланган далил ва маълумотларини жамлайдиган бўлсак, улар мактабдан камчилик қидиришга уринишга ўхшаб кетади...

Одатда, шикоят ёзган кишининг қилмишлари муҳокама этилмайди. Биз шундай йўлни тутишни жуда ҳам истар эдик. Муаллима Дониёрова, нима бўлганда ҳам, шикоят ёзиш билан ўз манфаатини кўзламаган, балки ўзи ишлаётган ўқув даргоҳини камчиликсиз ҳолда кўришни истаган. Биз бу томондан у кишини жуда ҳам қувватлагимиз келади. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор-да. Яъни Г. Дониёрова мактабдаги камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида аниқлабди, нега энди бу далиллар ҳақида маълумотлар, бўлиб ўтган воқеалар хусусида фотонусҳалар тўплаб юради? Бундан мақсад нима? У шу камчиликларни тугатишни истайдими ёки кимларнингдир айбини, ишдаги камчилигини фош этмоқчими? Агар нияти холис бўлса, Г. Дониёрова ўша камчиликларни тугатишга мактаб жамоасини даъват этиши, бунга ўзи ҳам ёрдам бериши керак эди. Агар кучи етмаса район доирасидаги раҳбар ташкилотлар бор, уларга мурожаат этиш, муаммони газак олдирмай, ўз вақтида ҳал қилиш мумкин эди. Негаки, мактабдаги барча иш билан ўша мактаб жамоаси шуғулланади, уларнинг ички муаммосини ҳеч ким ташқаридан келиб ҳал қилиб бермайди.

Муаллима Дониёрованинг таҳририятимизга адолат, ҳақиқат ўрнатилишини истаб ёзган шикоят хатидаги кўпгина далиллар тасдиқланган экан, бу мактаб жамоасини ҳушёрликка, камчиликсиз ишлашга даъват этмоғи керак. Мана, ўқув даргоҳининг ғайратли директори Рафаэл Раҳматов, шаҳар халқ таълими бўлимининг доно, мулоҳазали раҳбари Абдураҳмон Ориповлар бор экан, текширувлар давомида кўсатилган ва мақолада баъзибир тилга олинган нуқсонлар уларнинг бош-қошлиги, муаллимларнинг аҳил иштирокида оқилона, пухта ўйланиб бартараф қилинади, дегимиз келади.

А. ҲАЙДАРОВ,
мухбиримиз.

Сўлом тарихи

Сардор МАҲМУД

Инглизчадан Жамолиддин Ҳамдам ва Шариф Холмурод таржимаси

Суннийлар ва шиалар. Шу ўринда кейинги асрлар мобайнида мусулмон дунёсига шу қадар катта таъсир кўрсата олган шиа мазҳабини эътиборга олиш зарур. Уни тушуниб етиш қийин эмас. Бу мазҳабнинг суннийлар мазҳабидан фарқ қиладиган ва Алининг ўзини, Пайғамбарнинг вориси авлодларини эса қонуний халифалар ёки Ислом давлатининг бошлиқлари, деб қаровчи сиёсий сабоқлари мавжуд эди. Лекин дин бобида суннийлар билан шиалар орасида чуқур зиддият келиб чиқди. Суннийлар Муҳаммад ҳамма сингари инсон, гарчи у бошқалардан афзал бўлса ҳам, Оллоҳ таоло унга юборган вақийда барча мусулмонлар баробар, Парвардигордан кўпроқ қўрққанларигина уларнинг энг яхшиларидирлар, деб айтилган, деган ақидага қаттиқ ишонардилар. Шиалар Муҳаммад — яратган Эгам «танлаган» инсон, унинг руҳий куч-қудрати ўзи билан ўлмаган, деб таъкидлашарди. Уларнинг ҳисоблашларича, у беозор одам бўлиб, аллақандай ярим илоҳий фазилатларга эга эди. Бу руҳий ва илоҳий куч-қудрат Алига, ундан кейин ал-Ҳасан ва сўнгра ал-Ҳусайнга улар орқали эса «Имом» номини олган тўққиз авлодга мерос бўлиб ўтган. Бу имомларнинг ҳаммаси ҳам Оллоҳ томонидан «танланган» оғирбосиқ зотлардирлар, уларга Муҳаммад сингари ярим илоҳий сифатлар ато қилинган. Улар Исломнинг ҳақиқий раҳнамолари эдилар, деган эътиқод ҳукм сурарди. Суннийлар эса буни инкор этиб, уларнинг шундай деб тан олинишини катта гуноҳ ҳисоблардилар. Бу имомларнинг исмлари қуйидагича: Али ибн Абу Толиб, Ҳасан ибн Али, Хусайн ибн Али, Али ибн Ҳусайн (Зайн ал-Обидин), Муҳаммад ал-Бақир, Жаъфар ал-Содиқ, Муса ал-Козим, Али ал-Ридо, Муҳаммад ал-Тоқий, ал-Қоқий, Ҳасан ал-Аскарий ва Имом Маҳдий. Сўнгги имом кўдаклигидаёқ ғойиб бўлган, лекин ҳаёт ва Ислом унутилган энг қийин пайтда пайдо бўлиб, уни қайта тиклайди, деб ҳисоблаб келинади. Шу жиҳатдан имомлик ғояси шиа мазҳабининг, мураккабликлари сирасига киради.

Шиалик китоблари ва тариқатлари. Уша пайтдан бери шиалар билан суннийлик орасида шиа мазҳабининг турлича талқинлари давом этиб келади. Ўз-ўзидан маълумки, шиалар сунна ҳуқуқи мактабини, яъни урф-одатлар ва анъаналарни тартиб қилувчи сунна китобларини эътирф этмайдилар. Уларнинг ўз диндорлари ва анъаналарини қайд қилиб борувчилари бўлган. Шиалик диний адабиётлари орасида ўнинчи-ўн биринчи асрларда ёзилган тўртта китоб алоҳида ҳурматга эга. Уларнинг биринчиси «Ал-Кафи фи илм ад-Дин» бўлиб, буюк олим Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Кулайний томонидан ёзилган. У шиаларнинг 16 мингдан кўпроқ анъаналари баёнини ўз ичига олади. «Китоб ла Ядҳуруҳ ал-фақих» («Ҳар ким ўзига қози») деб номланган иккинчи китоб ибн Бобуя номи билан машҳур бўлган ибн Мусо ибн Бобувайҳий қаламига мансуб. Бу китоб 4496 анъанани қамраб олган. Учинчи ва тўртинчи китоблар суннийлар ва шиалар бирдек ҳурмат қиладиган атоқли олим Муҳаммад ибн Ҳасан ат-Тусий томонидан ёзилган. «Тахдҳиб ал-Аҳком» («Қозилар шарҳи») ва машҳур «Истибсар» унинг китобларидир. Шуни ҳисобга олиш керакки, ҳар қандай мазҳаб сингари шиалик ҳам ўз ҳолатларига эга. Унда замонавийликка мойиллик (модернизм), кескин чора-тадбирлар тарафдори (экстремизм) ҳам мавжуд. Суннийларга яқин турған дайдийлар фикрича, имомларга юксак мартабани Оллоҳ таоло ато қилган, бироқ улар илоҳий мавжудотлар бўлмаган. Бошқалар эса имомлар барча сингари оддий, лекин Оллоҳ таоло назари тушган, илоҳий нур билан руҳлантирилган инсонлар бўлганлигига қатъий ишонардилар. Шундан кейин асосий вакиллари друсийлар, исмоилийлар, кармотийлар, ботинийлар ва нусайрилар бўлган оқимлар келади, улар имомлар Оллоҳ таолонинг тимсоли эканлигига иймон келтирадилар. Шу жиҳатдан ҳам бу тоифа шиалар бошқа мусулмонларга кам ўхшайдилар.

III боб

Умавийлар

Амир Муовия (661—680 йиллар). Биз яна сал орқага қайтишимиз лозим. Эсласангиз, Амир Муовия халифаликнинг Имом Ҳасанни халифа деб эътироф этган шарқий қисми чегараларидан ҳам ташқари чиқаман, деб пўписа қилган эди. Ўзаро уруш бошланиб кетиши хавфи жуда яқинлашиб қолганида Имом Ҳасан ўз лавозимидан воз кечишга қарор қилади. Шунинг учун у Мадинага қайтиб келади-ю, Амир Муовия тўқнашувдан омон қолади. Муовия тез орада Ислом халифаси деб эълон қилиниб, ана шу мартабада 20 йил турди. У катта тажрибага эга бўлган ғоят истеъдодли ҳукмдор эди: Шомда 12 йил ҳокимлик қилиб, у ерда қуруқлик қўшинларини ва ҳарбий денгиз кучларини вужудга келтирди. Кейинчалик, юқорида таъкидланганидек, Миср ҳокими Абдуллоҳ ибн Аби Сарш билан бирлашиб, Усмон ҳукмронлиги даврида (655 йилда) Дҳу ас-Савари жангида Византия денгиз кучларини мағлубиятга учратди (Маст жанги).

Янги ғалабалар. Муовия машҳур саркардаси Уқбох ибн Нафини қўшинга бош қилиб ўша пайтда Тунис, Жазоир ва Марокашдан иборат уч бўлакка бўлинган Ифриқияга юборди. Укбан ҳозирги Тунис худудини қўлга киритиб, 670 йилда у ерда Кайравон шаҳрига асос солди. Бошқа саркардалар Ислом туғини Марказий Осиёга олиб бордилар. Мусулмон қўшинлари Хуросонни — Амударёнинг ўнг соҳилидаги илгари Оксос деб номланган қисми истилосини ниҳоясига етказдилар. Улар ҳатто дарёни кечиб ўтиб, Бухорога ҳам юриш қилдилар. Шундан кейин шарқ томон йўл олиб, ҳозирги Афғонистон номи билан маълум мамлакатга кириб бордилар, тўхтатилгунларича ҳадемай Қобулга етиб олдилар. Аммо Муовия Шом ва Ироқ шимолида, Византиянинг Кичик Осиёдаги қисмида ҳар йилги ғазовот урушлари тартибини ўрнатди. Бундай ҳужумлар аскарлар жанговарлигини сақлаб туришга ва ёш зобитларнинг тезкор жанг олиб бориш тажрибасини ҳосил қилишга хизмат этадиган ҳарбий машқлардан бошқа нарса эмасди. Шунингдек, у шимоли-шарқий чегаралар бўйлаб бунёд этган истеҳкомларда чинакамига соқчилик хизмати йўлга қўйилди, унинг ёрдамида мусулмонлар кўрфазда византияликлар йўлини тўсиб туришарди. Византияликлар Ислом истилочиларига қарши тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатиб келдилар; мусулмон ҳукмдорлари то Кичик Осиёдан батамом қувиб чиқарилгунларига қадар бир неча асрлар давомида улар билан сурункали уруш олиб бордилар.

Ҳарбий-денгиз юришлари. Муовия нозик фикрловчи ва узоқни кўзлаб иш тутадиган инсон эди. Али даражасида саркарда бўлмаса ҳам, моҳир ҳарбий ташкилотчи ҳисобланарди. У яхши қуролланган, етарли кучлардан ташкил топган мусулмон қўшинларини тузибгина қолмай, ўз ҳарбий-денгиз кучларини ҳам оширди ва император Византияси (Константинополга) ҳужум қилишга тайёр эди. 669 йили Муовия денгиз орқали ўз ўғли Язид қўмондонлигида қўшин юборади. Язид ўзини қобилиятли лашкарбоши сифатида кўрсатиб, машҳур шаҳарни қамал қилди. Бу тадбир давомида бўлиб ўтган кўпгина можаролар ёш Язид довруғини таратди. Пайғамбарнинг сафдоши, туғдори Абу Айюб ал-Ансорий шу ерда ҳалок бўлди. Мусулмонлар қамалдан воз кечиб, чекинганликларига қарамасдан уни Константинополь девори ёнига дафн қилдилар. У тўғрисидаги афсона эса халқ орасида ёйилди. Қабрига ҳатто насронийлар ҳам топинардилар. Бу жой ҳозир ҳам зиёратгоҳ ҳисобланади. Мусулмонлар Константинополга 674 йилда яна бир бор ҳужум уюштирдилар, бу гал қамал етти йил давом этди. Худди шу жангда византияликлар араблар қалбига қаттиқ қўрқув солган «юнон олови» деб номланган керосин билан фосфор қоришмасини ишлатдилар. Бу юриш ҳеч қандай ютуқ келтирмади, мусулмон қўшинларининг Шарқий Овруподан қўрқувини мустаҳкамлади, холос. Қайтиб келаётиб, мусулмонлар Родос оролини босиб олдилар.

(Давоми бор).

ПЕДАГОГ ЁН ДАФТАРИДАН

ЁШЛАРГА НАСИҲАТ

● Сенга ҳаёт бахш этган ота-онангни ва ҳар вақт сенга ёрдам бериб, ҳаётингни қўриқловчи зотларни ҳурмат қил, уларнинг иззат ва икромларини бажо келтир.

● Ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ ва ёр-дўстларингга муҳаббат, садоқат ипи билан боғлан.

● Ватаннинг чин, ҳақиқий фарзанди бўл. Ватан ва халққа хизмат қил, манфаат етказ.

● Маъносиз йўллардан, шараф ва номусингни барбод қиладиган ишлардан йироқ бўл.

● Жамоат эҳтиёжини ўтайдиган фарзандлар етиштир. Фарзандларингни фақат ўзинг учун эмас, халқинг учун ва инсоният учун тарбия қил.

● Ўғилларингни сабр, матонатли, фазилатли ва шижоатли қилиб етиштир. Қизларингни ҳам улардан кам қилма.

● Оиланг ҳаётини гўзал суратда давом эттир. Оила даврасини сев, у кўзга ёқимли, қалбга завқ-шавқ бахш этиши учун кучингни сарф қил.

● Бўш вақтларингдан бир қисмини одоб ва ахлоққа қарши бўлмаган ўйин-кулгиларга сарф қил.

А. ЭРГАШЕВ.
Деҳқонобод ноҳияси.

ОИЛА ҲИСОБИ

ТЕЖОҒЛИ ИШ — БЕЖОҒЛИ

Молни жам этганингдан кейин яхши сақлагил ва ҳар бир ярамас иш учун сарф қилаверма, чунки молни сақлаш йиғишдан қийиндир.
КАЙКОВУС

Бозор иқтисодиётининг аёвсиз тўлқинлари бугун ҳар оилани ўз қамровига олиб, рўзғор юмушларини ларзага солаётгани ҳеч кимга сир эмас. Энг тажрибали, иқтисодий бақувват оилалар ҳам янги шароитга қийинчилик билан мослашишяпти. Айниқса, ёш оилалар оила ҳисобини йўлга қўйишда, рўзғор тебратишда турли мушкул ҳолатларга дуч келмоқдалар, Демак, биз маорифчилар юқори синф ўқувчилари учун ўтиладиган «Одобнома» курсида ана шу муаммони бартараф этиш йўлларини ўқувчиларга сингдиришимиз ва бу орқали ёш оилалар тарбиясини йўлга қўйишимиз жуда ўринлидир. Мен ана шундай эзгу иш хусусида фикрларимни ўртага ташламоқчиман.

Оиланинг мустаҳкам бўлиши, менимча, оила ҳисобини тўғри юритишга ҳам жуда кўп жиҳатдан боғлиқ ва бу айниқса, ёш оилалар учун муҳимдир. Чунки ёш оилалар кўп ҳолларда оила рўзғорини юритиш хусусида пишиқ-пухта билим ва тажрибага эга эмаслар.

Шарқий донишмандлик усуллари чуқур илдиз отган ўзбек оилаларига ғарбий қусурлар юқиб, оилада ким бош бўлиши керак, эр ва хотин ўз жамғармаларини алоҳида юритишлари зарур, оилада хотин бошчилиги яхши, деган муаммоларнинг ҳам қалқиб чиқаётгани оила тарбиясини, хусусан ёш оила тарбиясини янада кенгроқ, чуқурроқ, ҳаётийроқ йўлга қўйишни талаб этади.

Хўш, оила ҳисобини қандай ташкил этиш лозим? Бунинг учун, аввало, ҳар бир ёш оила ўз даромадини ҳисоб-китоб қилиши керак. Маълумки, кўпчилик ёш оилаларда асосий даромад ойлик иш ҳақини ташкил этади. Масалан, бир болали ёш оилада оила бошлиғи эркак 2,5 минг сўм, аёл 1,5 минг сўм ойлик иш ҳақи олсин. Демак, ёш оиланинг ойлик даромади тўрт минг сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, боласи учун ойида саксон сўм, йилнинг ҳар чорагида кийим-кечак пули олади. Шулар билан қўшилиб, оила даромади 4100 сўмдан ошади. Уйга ижара ҳақи, бола боғчасига тўлов, кундалик бошқа майда харажатлар, озиқ-овқатга, маданий дам олишга ўртача жами икки минг сўмни ташкил этади. Демак, ёш оила ҳисобида икки минг сўмдан ошиқроқ маблағ қолади.

Бу пулни тежаб-тергамасдан фойдаланиш, келажак учун жамғарма қилмаслик оилани оғир аҳволга олиб келиши мумкин. Оиладаги жуда кўп жанжаллар пулни тежаб-тергаб иш кўрмаслик, етишмовчилик оқибатида келиб чиқади. Ўзбек оилаларида ота-она ёш оилани оёққа туриши учун жуда ҳам жонкуярлик кўрсатади. Бунинг оқибатида ёш оиладаги эр-хотин йиллаб турли кийим-кечак, рўзғор буюмлари сотиб олмасликлари мумкин Бундан ташқари Президентимизнинг ғамхўрлиги билан ёш оилаларга турли рўзғор буюмлари сотиб олиш учун катта имтиёз яратилган. Бу —ёш оиланинг оёққа туришида жуда муҳим омил. Бу имкониятлардан ёш оилаларнинг соҳиблари ўз вақтида унумли фойдаланишлари керак. Ана шунда тез вақтда оиланинг яхшигина жамғармасини ташкил этиш мумкин

Бозор иқтисодиёти даврида бу маблағдан ёш оила аста-секинлик билан ўз майда ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдаланиши мумкин. Эр-хотин иноқлик, омилкорлик билан иш кўрса, ҳар нарсага эришиш мумкин Ёш оила соҳиблари эр-хотин қўш ҳўкиз бўлиб оила тебратганларида, оила ҳисобини тўғри ташкил этиб, оила жамғармасини ташкил этаётганларида Шарқ донишманди Кайковуснинг қуйидаги ўгитини ҳам унутмасликлари керак: «Ҳар нарса қўлингга кирса, бир тангадан икки ҳиссасини ўз оилангга сарф қил ва бир ҳиссани қарилик, ожизлик вақтининг зарур ишларига эҳтиёт қилиб, сақлаб қўйгил».

Ҳа, ҳар бир ёш оила фақат бугун учунгина эмас, эртанги кун учун ҳам қайғуриши керак.

Мирзиёд ОБИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг етакчи инспектори.

Фарзандларимиз соғлом бўлсин десак...

Пойтахтнинг Шайхантоҳур ноҳиясидаги 9-болалар тиш даволаш поликлиникаси 1987 йилда ташкил топган бўлиб, унда 36 шифокор ва 17 нафар тиббиёт ҳамшираси намунали фаолият кўрсатмоқда. Поликлиника 18 ёшгача бўлган ўғил-қизларга хизмат қилади. Даволаш муассасасида Насиба Иброҳимова бош шифокор сифатида ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Дўхтирларнинг ўз вазифасига қай даражада масъулият ҳисси билан ёндашиши, тартиб-интизом, хоналарни жиҳозлаш, санитария-гигиена ҳолати, даволашнинг янги усулларини жорий этиш, замонавий асбоб-ускуналар ўрнатиш — буларнинг барчаси унинг назорати остидадир.

— Бола тишининг шакилланиши ва унинг вазифаси нималардан иборат?

— Соғлом тиш — саломатлик ва гўзаллик ғарови, — дейди Насиба Анваровна.

Тишнинг илдизлари мия ва марказий асаб тизмалари билан бевосита боғлиқ. Борди-ю, тиш оғриғи хуруж қилса, унинг асорати юрак, буйрак, ёқ бўғинларига зарар етказиб, турли касалликларни келтириб чиқаради. Бунга йўл қўймаслик учун оғриқ тишни ўз вақтида даволаш зарур.

Болалар соғлом туғилиши учун аввало она соғлом бўлиши керак. Айниқса, бўлажак фарзанд учун она тишининг аҳамияти бениҳоя катта. Бунинг учун ЗАГСдан ўтаётган келин-куёвлар санитария-оқартув ишларига аҳамият беришлари керак, яъни бўлажак ота-оналар бўлажак бола программаси — дастурини яратиши лозим. Ахир соғлом ота-онадан соғлом фарзанд туғилади-да!

Она қорнида ҳомила пайдо бўлишидан бошлаб унга эътибор бериш керак. 6—7 ҳафталик ҳомилада (бўлажак она ҳали буни ҳис қилмасдан) асаб ва қон толалари бирлашиб тугунча ҳосил бўлади. Ана шу тугунчадаёқ (бола шаклланмасдан аввал)сут тиш ва доимий тишнинг ўрни пайдо бўлади.

Онанинг ҳомиладорлик даври 9 ой бўлса, бола туғилгандан сўнг уни 9 ой эмизади. Бир бола билан иккинчисининг орасида камида уч йил фарқ бўлиши лозим. Чунки навбатдаги фарзанд пайдо бўлгунга қадар она организми қайта тикланиб олиши лозим. Соғлом она ҳар туққанида биттадан тишини йўқотади. Она ҳомиладорлик даврида соғлом бўлмаса боласи тўрт ёшга кирганда сут тиши уваланиб кетади.

— Тишнинг касалга чалинмаслиги учун ота-оналар кўпроқ нималарга аҳамият беришлари даркор?

— Айрим лоқайд оналар боласи йиғлайверса, оғзига қуруқ сўғич тиқиб қўядилар. Бола резина сўғичга ўрганиб қолади. Уни кўп сўриши натижасида танглайи бироз кенгаяди. 6-8 ойлик бўлганда дастлабки тиш пайдо бўла бошлайди. Танглайи кенгайиши натижасида юқори тишни олдинга туртиб чиқаради. Кейинчалик бола юқори ва пастки тишларида печенье, олма, сабзиларни қайчисимон узиб олиши керак. Юқоридаги тиш туртиб чиққанлиги натижасида бу вазифани бажаролмайди.

Баъзан болалар ойнаи жаҳон кўрсатувларини томоша қилаётганда бармоқларини ёки сўғични сўриб ўтирадилар. Шу пайтда ҳурматли ота-оналар, бувилар ва бувалар бу зарарли одатларни йўқотишга аҳамият беришлари лозим. Бундай одатга ўрганиб қолган гўдак оғзини очиб ухлайдиган бўлиб қолади. Нафас олганда оғзига совуқ ҳаво билан бирга микроблар киради. Натижада бола шамоллайди, бурунниг вазифаси сусаяди, одиноид ва полип (турли хил ўсмалар) пайдо бўлиши мумкин.

Болага уч ёшгача овқатдан сўнг оғиз чайишни ўргатиш шарт. Уч ёшга тўлганда унга тиш ювиш қондасини ўргатиш керак. Ҳар куни ётиш олдидан тиш пастаси билан тишни ювиш зарур. Нон, булочка, хамир овқатлар ёпишқоқ бўлади. Истеъмол қилинганда тишларнинг орасига кириб микроблларга емиш бўлади.

Тиш чўткани оғизга тиқиб тишни ишқалайвериш зарарли одатлардан ҳисобланади. Бундай қилинганда тиш милклари очилиб қолади. Чўткани аввал тишнинг юқорисидан пастга, пастки тишни ювганда юқоригга қараб ҳаракат қилдириш мақсадга мувофиқдир. Тишнинг ички томонини ҳам шу тариқа тозалаб ювиш зарур. Бола нонуштадан сўнг оғзини сув билан чайиши, тиш милкларини маълум вақт мобайнида массаж қилиши — уқалаши лозим. Бу кундалик одат рефлексга айланиши керак. Бунинг учун оналар фарзандлари соғлиги йўлида беш-ўн минут вақтларини ажратсалар олам гулистон.

Боланинг тиши чиқиши билан йилда икки марта дўхтирга учраши керак. Олти ёшга етганда сут тиш емирила бошлаб, унинг остидан доимий тиш чиқа бошлайди. Шу даврмобайнида оналар болаларининг тишини бот-бот қараб туришлари лозим. Сут тиш горизонтал ва вертикал емирилади. Доимий тиш чиқиши билан дарҳол дўхтирга мурожаат қилиш тавсия этилади.

Боланинг тишини олишга ҳеч қачон шошилмаймиз. Аввал рентген қилиб текширилади. Иложи борича даволашга ҳаракат қиламиз.

— Қандай таклиф ва муаммолар мавжуд?

— Болалар боғчалари методистларининг режаларида «Болаларни гигиена қондаларига риоя қилишга ўргатиш» мавзуси ўрин олиши керак, деб ўйлайман. Болалар тушунибтушунмай турли хил нарсаларни оғзига солаверишлари натижасида уларнинг тишлари касалланишга мойил бўлади.

Болалар боғчаларининг айрим раҳбарлари санитария-оқартув соҳасидаги тадбиркорлик билан юритаётган ишларимизга қаршилик қилишмоқда. Типовой болалар боғчаларининг лойиҳасида болалар шифокори ва тиш даволаш дўхтири учун алоҳида хоналар кўрсатилади. Масалан, ноҳиядаги 171-болалар боғчасида ана шундай хоналар мавжуд бўлса-да, ундан ёрдамчи хона сифатида фойдаланилмоқда.

Айрим мактабларда ўқув йили якунланганда кейин тиш дўхтирларини «ҳайдаб» юборишади. Ён-атрофларидаги боғча болаларини замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган хонада тишларини шифокор кўригидан ўтказиш, даволаш тадбирларига қараши чиқадилар. Ахир, бугунги боғча болалари мактабнинг эртанги ўқувчилари эмасми?!

Халқ таълими ходимлари билан тиббиёт ходимлари ҳамжиҳатликда иш юритсалар айни муддао бўлур эди. Чунки бола соғлом, бақувват бўлсагина кундалик турмушимизда фаол бўла олади. Жўшқин фаолиятли фарзандлар эса келгусимиз ворислари, замонамиз соҳибларидир.

Дилбар ХЎЖАЕВА.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Маҳкам РАҲМОНОВ.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги жамоаси умумий ўрта таълим бош бошқармасининг етакчи мутахассиси Камолиддин Эгамбердиевга отаси

Ўрозиддин ЭГАМБЕРДИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ ҚОШИДАГИ С. Ҳ. СИРОЖИДДИНОВ НОМЛИ ЛИЦЕЙ 1992-93 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Лицейда математика, физика, химия ва биология синфлари бор.

Иқтидорли болалар танланган фанлари бўйича имтиҳон топширади.

Жумҳурият ўқувчилар олимпиадасининг I-III даражали дипломлари билан мукофотланганлар имтиҳонсиз қабул қилинади.

Қабул 25-26 август кунлари ўтказилади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

1. Директор номига ариза.
2. Шахсий дело (табель, гувоҳнома).
3. Турар жойидан маълумотнома.
4. Ота-онасининг иш ҳақи тўғрисида маълумотнома (1991 йил ойма-ой кўрсатилган). (Нафақачилар учун — собеседан).
5. Тиббий карта ва 086/У маълумотнома.
6. Туғилиш гувоҳнома нусхаси.
7. 4 дона 3×4 ўлчовли сурат.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент-700112, Чилонзор мавзеси, 9-квартал, 33-уй.

ТРАНСПОРТЛАР: 4, 9 трамвайлар, 2, 13, 29, 33, 70, 77, 116-автобусларнинг «Чўпон ота» бекати.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г. — 240. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 20.00.

Тиражи 10601.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12